

Т. ХЎЖАЙОВ,
К. АБДУЛЛАЕВ

АЖДОДЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИ

Масъул муҳаррир
СССР ФА академиги В. П. АЛЕКСЕЕВ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССЖ «ФАН» НАШРИЕТИ
1990

Кенг китобхоналар оммаси эътиборига ҳавола қилинган ушбу рисолада қадимий эҷодларимизнинг қиёфасини тиклашда антропология маълумотлари ҳамда ҳайкал, терракота синари санъат асарлари таҳлил этилган. Унга алова этилган ноёб ҳайкаллар ва қайта тикланган сурат тасвирлари асар мазмунини бойлаш учун хизмат қилади.

Рисола кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

Таъриҳчилар:

тариҳ фанлари номзодалари М. Х. ИСОМИДДИНОВ,
Н. А. АВАНЕСОВА

X 4903/10000—268 260—90 © Ғабелиетов ССЖ
X 355(14)—90 «Фан» нашриёти, 1990 й.

ISBN 5—648—00645—4

МУҚАДДИМА

Кўҳна санъат ёлгорликларида, айниқса ҳайкал, сопол, зарб этилган тангалар ва тасвирий ижоднинг бошқа турларини ўз ичига олувчи ҳайкалтарошлик санъати асарларида уста ижод этган даврдаги фақат бадний маданиятнинг ўзига хос хусусиятларигина эмас, балки ўша давр этнографик маданий муҳитининг хусусиятлари ҳам намоён бўлади. Бадний бойликлар яратилган тарихидаги бундай муҳим омилнинг этник маданий жиҳатдан иборат яна бир жиҳати бор. Муъйян этник муштаракликнинг жамеки маънавий ва моддий бойликлари: кўҳна жамиятнинг дунёқараш савияси, ахлоқий ва нафосат қондалари ва ниҳоят, қадимги инсон ҳаётининг диний ва дунёвий, фалсафий ҳамда ахлоқий жиҳатларини ифода этувчи бадний маданияти ана шу тушунчада жамулжам.

Санъат асарлари шартли равишда диний ва дунёвий қисмларга бўлинади, бироқ ҳар иккиси ҳам аксари ҳолларда моҳият жиҳатидан бир хил мазмун ва мазму касб этади. Диний санъат образининг иконографик тузилишини қатъий белгиланган қондаларга бўйсунувчи диний қондалар синари ўзига хос хусусиятлари билан фарқлаб туради. Мисол тариқасида шуни айтиш жоизки, Урта Осиё ҳудудида буддизмнинг тарқалиши бу ерга фақат Будда таълимотинигина эмас, балки ўз ижодини илоҳий тасвирлар ва бошқа ҳомийлар қиёфаларини яратилганга бағишланган маҳаллий расомлар, ҳайкалтарошлар ва бадний ижоднинг бошқа вакиллари амал қилган мукаммал будда анъаналарини ҳам олиб келди. Балки Будда қиёфасини осонгина билиш ва уни Будда маъбадидаги ҳамроҳлари ҳамда бодисатв тасвирларидан дарҳол фарқлай олишнинг боси ҳақ шундадир. Қаерда ва қай вақт ишланганидан қатъи назар Будданинг истиқомсиз барча тасвирларида бошида думалоқ шиш (ушннша деб юрнтилади), қулоқ солиночигининг чўзиқ-

лиги, курача — каншардаги белги энг зарурий ажралмас қисм ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири тасвир соҳибининг муайян кайфиятини, ҳолатини аке эттиради. Мазкур белгилардан биринчиси — донишмандлик рамзи, иккинчиси — илгариги фойий эгуликлардан тарки дунё қилиш ва ҳоказо. Агар диний тасвир, айни ҳолда Будда тасвирини яратишда ҳайкалтарошлар белгиланган қоидаларга амал қилинган бўлса, унинг атрофидаги роҳиблар ёки дин, ибодатхона ва меҳробни, шунингдек ўз санамларига ҳада инъом қилаётган шахсларни тасвирлашда қадимги усталар маҳаллий оқсуяклар вакилларининг ёки ибодатхона ва бошқаларга қимматбахо қурбонлик келтирган оддий одамнинг аниқ тасвирини ифодаланига иштирокчилар.

Ҳайкалтарош, одатда, худо тасвирида ўз халқи вакили, яъни муайян этник муҳит учун юксак гўзаллик намунасига ҳос ирқий ҳамда этник хусусиятларни ифода этади. Шу билан турли тарихий-маданий жабҳаларда ишланган Будда тасвири бир-бирини такрорласа-да, лекин ўзаро, фарқланувчи хусусиятларга эгадир. Бинобарин, ҳатто худоларнинг илоҳийлаштирилган тасвирларида ҳам энг кўна давр жамоат вакилларининг антропологик ёки этник қиёфасини пайқаб олиш мумкин. Гарчи, бу тасвир, асосан, мавҳум бўлса-да, шунга қарамай, одатда, умумий хусусиятлар муайян шахсни тасвирлашдаги қарор тошган анъана сарҳадидан четга чиқмайди. Қадимги усталар ҳам, савдогар, ҳожилар, ташвиқотчи миссионерлар сингари жамаиятнинг энг ҳаракатчан вакилларидан ҳисобланган. Шу билан улар ўз ижодларида бошқа ерларда кўрганларини тасвирлашган, аксари ҳолларда эса уларнинг санъати бирон-бир этник ўзгаришларни ифода этган.

Шартли равишда дунёвий деб аталган санъатнинг ҳайкалтарошлик ва бошқа асарларининг иккинчи туркумида (дунёвий мавзудаги тасвирлар кўпинча мифологик ва диний тарздаги оҳанг касб этади) кўпинча подшоҳлик ва Оллоҳнинг ердаги ноиб сифатида подшоҳни улуғлаш тояси йўрилган. Тахтиравон билан боғлиқ манзаралар, Тангрининг подшоҳга подшоҳлик нишонларини тақдим этиш манзараси, подшоҳнинг йиртқич ҳайвонларни овлаши, зиёфат маросими тасвири — булар қадимги усталарнинг дунёвий деб аталган асосий тасвирий асарларидир. Бу мавзу ниҳоятда машҳур бўлиб, фақат Урта Осиё санъати учун эмас, балки бутун Қадимги Шарқ санъати учун ҳам ҳосдир. Айни шундай асарлар қадимги жамаият вакилининг ўзига

ҳос тасвирини ифода этади. Дунёвий тарздаги асарларда биз машҳур тарихий шахслар ва улар доирасининг «сурати»га дуч келамизки, улар тасвирларининг нафислиги, антропологик тасвирининг ҳослиги, айни вақтда алоҳидалиги билан киши эътиборини жалб этади. Аксари ҳолларда шахсларнинг ташқи қиёфасига кўра, муайян ҳижратлар, қандайдир янги этник гуруҳларнинг келиши ҳақида фикр юритиш мумкин. Санъат таҳлили асосида олинаётган маълумотлар антропологлар олиб бораётган махсус тадқиқотлар билан рисоладагидек тасдиқланмоқда.

Тадқиқотчиларнинг синчков меҳнати ўлароқ тўнланган бой антропологик материал антропология маълумотларини тасвирий санъат асари билан қиёлашда мақбул имконият яратади, шунингдек қадимги давр одамлари қиёфасини нафис ва график тиклашгагина эмас, балки сайёрамизда ҳаёт кечирган халқларнинг этногенези ва этник тарихининг мураккаб муаммоларини ҳал этиш учун шароит яратади.

АЖДОДЛАРИМИЗ ҚИЕФАСИ ВА ТАСВИРИЙ САЊЪАТ НАМУНАЛАРИ

Олд ва Урта Осиё ҳудудларида қадимда расм бўлган антропологик тасвирлар билан танишув асосий тадқиқот манбаи эканлигига қарамай, палеоантропологиянинг ўзиндагина эмас, балки археологик қазинмаларда олинган тасвирий санъатнинг қўллаб намуналари билан танишишдан бошланди. Ана шу қазинмалар тарихи талайгина ҳаяжонли ҳодисаларга бой бўлиб, қарийб 150 йиллик даврни ўз ичига олади, улар махсус илмий китобларда ҳам, шунингдек илмий-оммабоп асарларда ҳам баян этилган. Мазкур қазинмалар вақтида топилган жуда қўллаб ҳайкаллар орасида қадимги жамиятнинг хилма-хил ҳудудий гуруҳлари ва ижтимоий қатламларига мансуб турли этник келиб чиқишга эга бўлган кишиларнинг тасвирлари катта ўрин эгаллайди. Уларнинг аксарияти зарарланганлиги ёки ҳатто бир қисмигина сақланиб қолганлигига қарамай, улар мажмуаси кишиларнинг кенг қўламдаги, хилма-хил қиёфаларини аёқ эттириб, палеоантропологик ашёлар олингунига қадар Олд ва Урта Осиё қадимий аҳолисининг антропологик хусусиятлари хусусидаги ягона манба бўлиб хизмат қилган. Ана шу ҳайкаллар тавсифи юзлаб асарларда тарқоқ ҳолда мавжуд бўлса-да, лекин қизиққан ўқувчи Н. Д. Флиттер¹ ҳамда М. Э. Матье, В. К. Афанасьев ва В. Г. Лукониннинг² асарлари орқали танишиши мумкин. Бу китоблар орқали у машҳур ёдгорликларнинг умумий, лекин етарли даражада тўлиқ тавсифидан хабардор бўлади.

Бизни антропологик жиҳатдан қизиқтираётган ҳайкалтарошлик асарларининг изоҳи қандай аниқланди?

¹ Флиттер Н. Д. Культура и искусство Дауречья и соседних стран. М.—Л., 1958.

² Матье М. Э., Афанасьев В. К., Луконин В. Г. Искусство Древнего Востока. М., 1958.

Дастлабига бу иш антрополог мутахассислигига эга бўлган кишилар томонидан олиб борилмаган, изоҳлашнинг бошламаси антропологик хусусиятлар билан этник мансублик ўртасидаги жиддий тафовутлар яққол аниқлаб этилмаган даврга тўғри келади. Шу хил изоҳ намуналари XX аср бошлари учун хос бўлган Э. Д. Майер ҳамда В. Христиан тадқиқотларида кўзга ташланади. Асарни қўл йиллар мобайнида Урта денгиз, Олд ва Урта Осиё тарихи хусусида тўла-тўқис маълумот бера олган Қадимги Шарқнинг йирик тарихчиси Э. Д. Майер тадқиқотлари ҳайкалларни изоҳлаш имкониятларига антропологик манба деб қарашга ишончсизлик муносабатини намоян этади. XIX асрдаёқ кўпгина тадқиқотчилар ҳайкал тасвирларида бир томондан арман, турк, форсларга хос юз тузилишли, иккинчи томондан, арабларга хос юз тузилишли ўхшаш ифодаларни пайҳай олишган. Э. Майернинг фикрича, қадимги Шарқ ҳайкалларининг ана шу тури Олд Осиё қадимги аҳолиси антропологик таркибининг воқеий далили бўлмай, балки сана жиҳатидан турли вақтларга мансуб ёдгорлик туркумларининг услубий ўзига хослиги натижасидир. Қадимги Шарқ тарихининг сўнгги даврларида «арабий» хусусиятларнинг устун келиши қадимги ҳайкаллар тасвирий тарзининг ўзгариши ҳисобига рўй берган. Мазкур нуқтан назар ўз даврида замонамизнинг машҳур антропологи Виктор Бунак томонидан кескин танқид қилинган эди.

Палеоантропологик маълумотлар билан қиёсий тарзда санъат ашёларидаги фойдаланган В. Христианнинг асарини анчагина умидбахшдир. В. Христиан қиёслаш воқеасида учта антропологик унсурни ажратдики, улардан иккитаси илгари ажратилган, Урта денгиз («арабий» этник унсур билан қиёсланувчи) ва ассирийд ёки арменоид (Кавказ этник унсур билан қиёсланувчи) унсурларга мутлақо мос келади. Бундан ташқари, у монголоид хусусиятларни ҳам ажратиб, уни Шарққа мансуб учинчи антропологик унсур деб кўрсатадики, бу дарҳол В. Бунакнинг эътирозига учради. В. Христиан буни қандайдир галати тарада африкавий келиб чиқишга эга бўлган этник оқимнинг тарқалиши билан боғлади. Этник унсурлардан ҳар бири у ёки бу маданий ҳодисалар мажмуаси ёрдамида ифодаланганки, бу ҳол, ўз навбатида, В. Христианнинг мавқени сусайтирди, зеро, у ирқий хусусиятлар билан маданий жиҳатларнинг узвий боғлиқлигини эътироф этган эди. Асримиз 50-йиллари бошларида совет антропологлари антропо-

логик типнинг этник муштараклиги, тил ва маданият билан боғлиқлиги йўқлигини ишончли тарзда исбот этдилар. Тиллар ва маданиятлар антропологик типга боғлиқ бўлмаган ҳолда баъзан одамларнинг ўзларига нисбатан кенгроқ ҳудудларга тарқалади. Этник муштараклик масаласида шуни айтиш керакки, у икки ёки бир неча антропологик типлар билан ифодаланиши ва аксинча, бир қанча этник муштараклик биргина антропологик типга эга бўлиши мумкин.

XX аср бошлари ва биринчи ярмида Олд ва Урта Осиё аҳолиси бир хил негизга эгаллигини исботлади: у Урта денгиз мажмуасига эга бўлиб, ҳайкаллари ўрганиш маълумотларига кўра, Олд ва Урта Осиёнинг қадимги халқларининг антропологик таркибида ҳам асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Олд Осиё қадимги аҳолиси таркибида монголоид, айниқса негронд irqлар аралашмаси муаммоси асосан ҳайкал ашёлари асосида муҳокама қилинди. Утган асрнинг сўнгги йилларида чоп этилган А. Биллербек тадқиқот натижалари катта қизиқини уйғотди. А. Биллербек қадимги Элам харобаларида ўтказилган қазинишларда топилган жангчи ҳайкали тасвирида негронд хусусиятларини уққан эди. Бир қарашда бу В. Христианининг африка, аниқроқ қилиб айтганда судан этник унсурининг қадимги Олд Осиё халқлари этник қиёфаси ҳосил бўлишига таъсири ҳақидаги юқорида тилга олинган сўнгги хулосалари билан уйғунлашиб кетади. Бир-биридан 30 йиллик муҳлат ажратадиган ҳар икки фаразни Жанубий Эроннинг қадимги аҳолиси антропологик хусусиятларининг шаклланишига негронд қўшилмаининг кенг кўламдаги таъсири ҳақидаги Г. Хюзнинг фарази боғлаб туришлик вазифасини бажаради. Бироқ Г. Хюзнинг асослаган А. Биллербек кузатувларининг ўта саёзлиги, юқорида тилга олинган қадимги элам жангчиси антропологик типининг яққол эмаслиги эслаб ўтилган фаразнинг ишончлилигини йўқотади, шу босдан у антрополог В. Бунакнинг эфирозига учради. Лекин Олд ва Урта Осиё қадимги аҳолисининг келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хиллиги муаммоси кун тартибидан тушмади ва ҳа- музгача тарихий антропологиянинг асосий муаммолари- дан бири бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, баъзи изоҳлар билан шуни баён этиш мумкинки, палеоантропологик маълумотлар мутлақо бўлмаган шароитда ҳайкал ашёларидан муайян жой аҳолисининг irqий ва этник қиёфаси ҳақида тасаввур ҳосил қилишда самарали фойдаланиш мумкин. Муайян

вақт бўлагига тасарруфидаги бирон-бир ҳудуд кўп сонли палеоантропологик ашёлар билан ифодаланади. Уларнинг натижаларидан этнографлар, археологлар, тарихчилар, тилшунослар, шунингдек, у ёки бу халқнинг келиб чиқиши масалалари билан қизиқувчи кенг омма фойдаланганда, асосан рақамлар тарзида берилган и- социятнинг хилма-хил irqий нусхаларининг фарқларида мураккаблик туғилади. Бунда уларга антропология фа- нининг қадимги одамни калла суягига қараб ташқи қиёфасини ҳайкалда ва суратда қайта тиклаш тармоғи ёрдам беради. Шундагина қадим даврларда яшаган, ташқи қиёфаси калла суяги асосида тикланган одам ёки улар гуруҳининг этник ҳамда irqий хусусиятлари янада яққол кўзга ташланади. Суякларни бўйича қайта тикланган одамнинг ташқи қиёфаси бевосита ҳайкал ашёлари билан қиёсланиши мумкин. Дарвоқе, қайта тиклаш услуби археология илмининг кўплаб услубла- ридан бирига айланди. Қайта тиклаш натижасида суяк ашёси янада таъсирчан бўлиб, бамисоли кишига тирик одам тургандек тасаввур беради. Бинобарин, у фақат антрополог мутахассисигагина эмас, балки халқларнинг келиб чиқиши масалалари билан қизиқувчи ҳар бир ки- тобхонга ҳам тушунарли бўлади.

КАЛЛА СУЯГИ БУЙИЧА ТАШҚИ ҚИЁФАНИ ТИКЛАШ ТАРИХИДАН

Қадимги қазилма одам қиёфасини калла суягига қараб тиклаш ҳақидаги гоё илк бор қачон ва ким томо- нидан ўртага ташланганлигини ҳозирги вақтда айтиш мушкул. Ҳарҳолда, 1877 йилдаёқ илк металл даврига мансуб калла суягига қараб одамнинг ташқи қиёфаси- ни қайта тиклашга илк бор ҳаракат қилинган. Кейин- чалик тарихий шахсларин, шунингдек сайёраимизда яша- ган энг қадимги давр одамлари қиёфасини калла суя- гига қараб қайта тиклаш мисоллари кўп учрайди. Ана шундай тарзда яратилган ҳайкалчаларга назар ташлар эканмиз, бениҳтиёр ҳайкалтарошнинг заховатига таҳсин- лар ўқиймиз. Барча тасвирлар таъсирчан ва ҳаётчан, антропология илмининг сир-асрорларидан беҳабар одам улар ҳақиқатан шундай бўлганлигига дарҳол ишонади. Ташқи қиёфани қайта тиклашнинг методик услублари- ни ишлаб чиқиш жараёнида бир қанча қўпол хатолик- ларга йўл қўйилиб, бosh суягининг ҳақиқий шаклидан четга чиқишлар бўлганки, буни ҳайкалтарошнинг эркин ижоди билангина изоҳлаш мумкин. Ҳозирги вақтда бун-

дай қайта тиклашлар масала тарихига доир ҳужжат сифатида эътиборга молик.

Айримлар юз ва калла суяги тузилишларининг ўзаро боғлиқ эмаслиги ҳақидаги сохта тасаввурга асосланган қазилма одам сийратини қайта тиклаш масаласи ҳаёлий, муваффақиятсизликка учрайдиган масала деб ҳисоблайдилар. Ғарбий европалик ва америкалик олимлар фақат қазилма одам ташқи қиёфасини қайта тиклаш бўйича бир қатор тажриба ўтказдилар. Уларнинг биронтаси ҳам ўз услубини ҳозирги замон одамининг қиёфасини қайта тиклашда синиб кўришга жазм этмади. Уларнинг биронтаси ҳозирги замон одамининг қиёфасини ярата олмади, яъни таниш ва текшириб кўриш мумкин бўлган даражадаги қайта тиклашни амалга оширмади. Совет антропологлари шуни қатъий исботлашдики, таънинг алоҳида ўлчамлари оралигидаги алоқадорлик қонуниятини мавжуд, ўлчамлар ўртасидаги ана шундай боғлиқлик миқдорлари ер кўрмасидаги барча ирқларда ниҳоятда ўхшашдир.

Олам сингари, мурдалар қиёфасини қайта тиклаш ҳақидаги ўй ҳам нақадар кўҳна. Сайёраимизда ўилаб звелодлар фано оламида бақо оламга хижрат этишди, узоқ ўтмишининг минглаб буюк лашкарбосилари, давлат арбоблари, адиб, нотиклар, исёнчилар бу дунёни тарк этишган. Бизнинг тасаввуримизда муҳрланган уларнинг тасвирлари китоблар, йилномалар, тарих саҳифаларидан олган тасвурларимизгагина асосланган. Хўш, аслида улар қандай қиёфага эга бўлишган? Ҳозир улар билан юзма-юз бўлиш мумкинми? Қиёфани бош суяги бўйича тиклашнинг чинакам налий усули пайдо бўлгушига қадар бу орзу-хаёлийгича қолиб кетди. Қани, у қандай усул экан? Бу усул аллақачоноқ мамлакатимиз-у чет элларда маълуми машҳур бўлиб кетган.

Илк бор мамлакатимизда 1927 йилда қазилма одам қиёфасини қайта тиклашга ҳаракат қилинган. Ушанда нитекантроп ва неандерталь суяклари асосида ана шу қазилма одамларнинг ташқи қиёфаси қайта тикланган эди. Ниҳоят, 1938 йилдагина машҳур совет ҳайкалтароши ва антропологи, археологи, тарих фанлари доктори, СССР давлат мукофоти лауреати Михаил Михайлович Герасимовга бир қанча ҳужжатли қиёфаларни қайта тиклаш насиб этди. У турли давр ва халқларга мансуб юзлаб тарихий шахсларнинг ноёб қиёфаларни силсиласини яратди. Унинг сеҳрли қўлларида қадимий калла суякларига жон битарди, бевосита таний оладиган қиёфа касб этарди. М. М. Герасимовнинг бундай

ноёб асарлари қаторида шоҳ Иван Грозний, форс-тожик классик адабиётининг асосчиси Абу Абдулло Рудакий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Ҳожимурот, машҳур немис шоири Шиллер, адмирал Ушаков, граждандар уруши қаҳрамони А. Пархоменко ва бошқаларнинг қиёфаларини кўриш мумкин. Унинг санъати юксак даражада налий аниқликка эга — бу аниқлик узоқ йиллик амалий ишлар мобайнида бир неча бор далиллар билан исботланган. Унинг томонидан бажарилган қайта тиклашлар мурда юзидан олинадиган қолипга мутлақо алоқадор эмас, булар фақат ташқи қиёфасигина эмас, балки табиати ҳам ўзига хос хусусият касб этган жонли инсон қиёфаларидир.

Қиёфани ҳайкалларда қайта тиклаш бу соҳада бурилиш нуқтаси бўлиб, бу тажрибани криминалистика амалиётида қўллаш имконини беради. Ана шу соҳадаги иш натижалари юз тузилишини қайта тиклашни амалга ошириш борасидаги биринчиликни совет фанига мустақкам муҳрлади. Охир-оқибат қайта тиклаш услуби классик антропология фанининг қўллаб усулларидан бирига айланди. Юқорида таъкидлаганимиздек, суяк аниёси қиёфанинг таъсирчанлигини оширади.

Калла суяги бўйича кишининг қиёфасини қайта тиклаш усулининг энг қатъий танқидчилари ҳар вақт ўз баҳслари баёнига шундай бир хил фикрлар кўлиб кўяр эдилар: «Бу фан эмас, балки санъатдир, М. М. Герасимов ўз тажрибасини биров кишига ўргатишга муваффақ бўла олмайди». Мана, ўтган йилдан ошдики, Москвада, СССР Фанлар академиясининг Н. И. Миклухо-Маклай номидаги Этнография институтини ҳузурда жаҳонда ягона нафис антропология қайта тиклаш лабораторияси ишлаб турибдики, бу ерда юз тузилишини бош суяги асосида қайта тиклаш соҳасида тадқиқотчилик ва услубий ишлар олиб бориляпти. Тергов идораларининг топшириғига биноан номаълум шахсларни аниқлаш ишлари бажарилаяпти. Институт лабораториясида ва айрим иттифоқдош жумҳуриятларда М. М. Герасимовнинг шогирдлари иш олиб бориб, калла суяги бўйича кишининг ташқи қиёфасини қайта тиклаш услубини бойитишяпти.

М. М. Герасимов ва унинг шогирдлари ишидан газета ва журналларда чоп этилган мақолалар орқали танишган кўпгина кишиларда дарҳол шундай савол туғилиши табиий: «Калла суяги асосида қиёфа нечоғли аниқ қайта тиклана оларкин?» Бу саволга М. М. Герасимовнинг ўз каломи билан жавоб бериш мумкин: «Ҳо-

зирги замон кишисини калла суяги бўйича криминалистик қайта тиклишнинг тажрибаси, агар бундай кишининг қиёфаси ҳаётлигида фотосуратдан маълум бўлса, шундан далолат берадики, ҳайкал тарзида қайта тиклаш услуби... киши юз тузилишини асл ҳолатига шу қадар аниқ яқинлаштиришни таъминлайдики, уларнинг ҳар иккитаси битта шахс эканига мутлақо шубҳа туғилмайди. Айрим қисмлардаги майда қусурларга келганда шуни айтиш керакки, хоҳ у бурун тешиги ёки қулоқ суягидаги ботиқ-буртмалар шакли бўлсин, улар шаклини қайта тиклашдаги хатolikларнинг муқаррар даражаси шунчалик арзимаганки, тўғри бажарилаган умумий қиёфада улар ҳатто сезилмайди ҳам».

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биргина инсон келтирамиз. 1939 йили Ленинград шаҳри яқинида одамнинг парчаланиб кетган скелети топилган эди. Суяклардан бўлак мурдаши аниқлаш имконини берадиган бироп ашё топилмади. Уланган одамнинг жисми, ёшнинг аниқлаш ва қиёфасини тиклаш учун бош суяги М. М. Герасимовга берилди. У калла суяги 12—13 ёшлардаги ўғил болага мансублигини аниқлади. Қайта тикланган бош қиёфаси суратга олинди. Унинг ишончлилигини янада ошириш учун қайта тикланган қиёфага бош кийими ва пальто кийгизиб қўйилди. Кейин тергов идоралари орқали боланинг отаси излаб топилди, тупоҳлик кўрсатмаси бериш учун чақиртирилди. Мутлақо холесона кўрсатма олиш учун боланинг отасига худди шу ёшдаги 30 дан зиёд болаларнинг ҳар турли фотосуратлари кўрсатилди. Улар орасида шубҳасиз, ўлдирилган боланинг қайта тикланган бошнинг сурати ҳам бор эди. Отаси ҳайкалчадан олинган ўа ўғлининг суратини дарҳол таниди.

Лаборатория ирқларнинг ва халқларнинг келиб чиқиш муаммолари борасида жуда муҳим ва фойдали ишлар қилмоқда. Лаборатория ходимлари қадимги одамлар калла суягини тавсифлаб ҳамда улар бўйича қиёфаларни қайта тиклаб, муайян антропологик гуруҳларни ажратишга ҳаракат қилмоқда ва шу билан боғлиқ равишда улар шаклланишнинг эҳтимолий йўллари ҳақидаги масалани ҳам ҳал этмоқда. Бундан ташқари, одамларни антропологик тадқиқ этиб ва ташқи қиёфаларини тиклаб, муайян ерда айни бир вақтда бир ёки бир неча антропологик гуруҳлар бўлганлигини аниқлаш мумкин.

М. М. Герасимов ва унинг шогирдлари қадимги сак қабилалари, қадимги хоразмийлар, кангюйлар, суғдлар

ва ҳоказолар вакилларининг ташқи қиёфасини тиклашди. Ана шундай сазй ҳаракатлар туфайли ҳар биримиз турли тарихий даврларга хос кишиларнинг қиёфасини яққол тасаввур қилиш имконига эга бўламиз. Яратилган қиёфа тасвирларига кўра, Хоразм воҳасининг аҳолиси бронза даврида яралаш бўлган. Аҳолининг бир гуруҳи европеонд андронев гуруҳи билан ифодаланган, бошқаси Шимолий Хиндустондан келган жануб белгиларига эга.

Чунончи, 9—11 ёшлардаги ўғил боланинг қайта тикланган боши қиёфаси настиқ кенг бурунлилиги, кучли суратда олдинга бўртиб чиққан қалин лабни оғзи билан ифодаланади. Ана шу белгилар мажмуаси Кўкча-3 дан топилган боланинг ҳозирги замон ҳинд боласига ўхшаш дравидонд гуруҳга мансуб бош суягининг антропологик тадқиқи маълумотларига тўлиқ мувофиқ келади.

Келгуси авлод учун оддий одамлар ва улус Ватанимизнинг бепосн диёрида яшаган халқларнинг машҳур тарихий арбобларининг ҳақиқий қиёфаларини ҳайкалларда ифодалаш археологлар, антропологлар ва бошқа олимлар ҳамкорлигида муваффақиятли ҳал этилиши мумкин.

ШИМОЛИЙ БАКТРИЯЛИКЛАР ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

Муҳтарам китобхон, сиз юқорида бош суяги бўйича кишининг ташқи қиёфасини тиклаш тарихи соҳасида муайян тасаввурга эга бўлдингиз. Энанги суҳбатимиз палеоантропология маълумотлари асосида антропологик қайта тиклаш қай йўсинда олиб борилиши ҳақида. Антропологиянинг палеоантропология деб аталувчи қисми қадимги аҳолиларнинг жисмоний хусусиятларини ўргатиш билан шуғулланади. Ана шундай хусусиятлар ҳақида турли даврларга хос дафилалардаги одамларнинг суяк қолдиқларини тадқиқ этиш, бизгача етиб келган воқеий антропоморф тасвирларни кўздан кечириш, қадимги халқларнинг жисмоний гуруҳлари ҳақидаги маълумотлари бўлган ёзма манбаларни таҳлил қилиш асосида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Фақат шундагина олинadigan маълумотлар етарли даражада тўлиқ ва хилма-хил бўлади. Палеоантропологик ашё қадимги халқларнинг жисмоний хусусиятлари, ирқий гуруҳи, жисмоний ривожланиш даражаси, у ёки бу жамиятда касалликларнинг тарқалиш хусусияти ва, ниҳоят, демографик кўрсаткичлар — жинслар мутаносиб-

лиги, умри, болалар ўлими, пушти ҳақида бевосита маълумот беради. Палеоантропологик манбаининг унсурий бирлиги алоҳида кишининг скелетидир. Бироқ буида олинадиган маълумот гоят чекланган. Шу билан антрополог қайта тиклашнинг гуруҳий даражасига ўтади, яъни кўплаб ўлчов ва баъний белгилари бўйича кишилар мажмуасининг ўртача мифологик ифодасини олишга интилади.

Палеоантропологик тадқиқот мобайнида хилма-хил маданий-археологик комплексларга мансуб бўлган, бинобарин, эҳтимол этник жиҳатдан бир-биридан фарқланувчи киши гуруҳлари ўртасидати биологик қариндошлик даражаси аниқланади.

Калла сунги сингари скелетни ўрганиш ҳам киши таънисидати мутаносибликларни ва бўйини тиклашда муҳим роль ўйнайди. Қадимги одамнинг бўйи ҳақидаги маълумотнинг нечоғли зарурлиги бирор кишида шубҳа тугдирмаса керак. Бўй жисмоний ривожлашнинг ҳамда гуруҳ ирқий мансублигининг энг муҳим кўрсаткичлари жумласига кириди. Шунинг учун қазилма палеоантропологик ашёда тана узунлиги — бўйини аниқлаш ҳам назарий (қадимги халқларнинг жисмоний ривожлаш ва ирқий гуруҳини ифодалашда муҳим аҳамият касб этади) ва амалий (бу маълумотларни ҳозирги замон маълумотлари билан қиёлаш ва шу асосда бўйнинг даврга қараб ўзгаришини ҳисобга олиш мумкин) аҳамият касб этади. Шу сабабли тадқиқотчиларнинг бутун ўй-хаёли скелет сунгилари ўлчамлари бўйича тана узунлигини ҳисоблаб чиқиш учун энг мақбул усулларни қидириб топшига қаратилган эди. Бу борада жумхуриятимизда кенг қўламда тадқиқот ишлари олиб борилган. Бронза давридан то ҳозиргача бўлган Урта Осиё аҳолиси тана узунлигининг ўзгаришининг асоси эмас, балки унинг пазинини ҳам аниқлашга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, палеоантропологик ашё этногенетик масалаларни ҳал этишда кенг қўлланади. Бинобарин, у юқори даражада ҳал этиш қобилиятига эга бўлган кўпимча тарихий манбадан иборат бўлиб, ҳозирги замондан нечоғли узлатга чекинганимиз сайин унинг аҳамияти орта боради, айниқса инсониятнинг ёзув пайдо бўлишидан олдинги тарихдаги воқеаларни қайта тиклашда унинг аҳамияти беқиёсдир.

Кушон Бактриясининг палеоантропологик тадқиқи тарихи ҳақида нима дейиш мумкин? Бундан қарқ йилча муқаддам Кушон Бактрияси аҳолисининг антропологик хусусиятлари ҳақида бирон муайян тушунча йўқ эди.

Археологларнинг, хусусан М. Е. Массон раҳбарлигида олиб борилган Термиз комплекси археология-экспедицияси ҳамда И. М. Дьяконов раҳбарлигидаги Тожикистондаги экспедициясининг тадқиқотлари натижаси ўлароқ антропологлар Кушон Бактрияси аҳолисининг жисмоний қиёфасини ўрганишга муваффақ бўлдилар. Жанубий Тожикистондаги Тўпхона шаҳристонида дафиналар очилди. 50-йилларнинг бошларидагина ilk палеоантропологик ашёлар топилиб, улар Урта Осиё антропологисининг билимдонни Вульф Вениаминович Гипзбург томонидан тадқиқ этилиб, нашр қилинди. Кейинроқ Жанубий Тожикистонда Кушон Бактриясининг кўчманчи-чорвадор аҳолисидан қолган Кечки Тулхар ва Ориқтов қўрғон қабрларидан кўп сонли антропологик ашёлар топилди. Уларни тадқиқ этиш натижалари шундай қатъий хулосага олиб келдики, Кушон Бактрияси аҳолиси европеоид ирқининг ҳар хил гуруҳлари билан ифодаланган. Чунинчи, қишлоқ аҳолиси асосан шарқий Урта денгиз ирқининг комплексе белгилари билан ифодаланган. Хўш, Кушон Бактриясининг қишлоқ аҳолиси учун қандай морфологик ва ирқий хусусиятлар хос бўлган? Биринчидан, улар учун бошнинг узунчоқ шаклда бўлиши хосдирки, уш антропология фанида «долохкефалия» (долох — узун, кефалия ёки цефалия — бош дегани) деб аталади. Уларнинг юзи ингичка, чўзиқ ёки ўртача даражада тўзиқ бўлиб, эллама текисдир. Бурни тор, лекин сезиларли даражада бўртиб турган. Қўрғон дафиналари ашёларидан маълум бўлган кўчманчи чорвадор аҳолиси хусусида шунини айтиш мумкинки, уларнинг боши кўпимча думалоқ шаклда бўлган, пешонаси бўртиб чиққан. Юзи катта, кенг. Бурун бурчаклари катта, баъзан ўртача ўлчамли. Бу ҳол илмий адабиётларда мезокран европеоид гуруҳи номи билан машҳур.

Ўзбекистонда 70—80 йилларда жадал олиб борилган археологик тадқиқотлар, айниқса, бронза даврига оид антропологик ашёлар сонини кескин ошириш имконини берди. Ўзбекистон жанубида бронза даврига мансуб ажойиб ёдгорликлар топилди. Шаҳар ва йирик тураржой қазинмалари билан бир қаторда шаҳар қабристони ҳам очилди. Бронза даврининг Сополиттепа, Жарқўтов, Бўстон, Мўлалли ва бошқа масканларидан топилган фақат археологик эмас, балки антропологик ашёларнинг тадқиқот натижалари ҳам жаҳон аҳамиятига молик. Айни вақтда анчагина кейинги даврларга оид палеоантропологик ашёлар ҳам тўплана борди. Чунинчи, жумхуриятимизнинг Сурхондарё вилоятида Кушон Бак-

триясининг шаҳар, қишлоқ ва кўчманчи чорвадор аҳолиси тадқиқ этилди. Қўҳия Термиз, Қорақала будда ибодатхонасидан, Термиздаги Чингизтепадан, Тожикистондаги Тепан Шоҳдан, Далварзиптепадаги Наусидан, Сурхондарёдаги Айртон, Ялангтўштена, Ангор ва ҳоказолардан топилган кўплаб қалла суякларини шулар жумласидандир. Уларни ўрганиш асосида маъқур регион аҳолисининг антропологик хусусиятлари ҳақида бир қатор янги фикрлар билдирилди. Масалан, қишлоқ аҳолиси антропологик гуруҳ жиҳатидан ўзгаришларга учрамайди ва бронза ҳамда илк темир даври аҳолисига хос ирқий хусусиятлар билан ифодаланмаверади. Қушон Бактриясининг шаҳар аҳолиси эса ўз таркибида қишлоқ аҳолисига хос гуруҳга эга бўлиб, Ўрта Осиёнинг шимолий чўл ерларидаги чорвадор аҳолига хос бўлган, кўпинча монголоид аралашмалли европеоид гуруҳининг таъсирига янмагина берилган. Милод сарҳадларида жанубда — Қушон Бактриясида Ўрта Осиё икки дарё оралиги ирқининг асосий хусусиятлари шаклланди, у ҳозирги ўзбеклар ва текисликларда яшовчи тожиқларни ифодалайди.

Юқорида айтилганларга шунинг қўшимча қилиш мумкинки, Қушон Бактриясининг палеоантропологик ашёларида бутун Ўрта Осиё учун хос бўлган тарихий қонуниятни очишга муваффақ бўлдик. Унинг моҳияти шундаки, антик даврда келган кўчманчи-чорвадор қабилалар шаҳар муҳитига кира бориб, маҳаллий аҳоли билан аралаша борган. Улар, ҳамаси, қишлоқ аҳолиси билан никоҳда бўлишмаган ёки жуда сийрак бўлган. Зеро, қишлоқ жойларда кўчиб келган чорвадор қабилалар буткул учрамайди ёки камдан-кам учрайди. Айни вақтда Шимолий Бактриянинг чўл қисмида чорвадор қабилалар зич яшаган, бунга зич жойлашган улкан қўرғон қабрлари шаҳодат бериши мумкин. Ҳозирги вақтда етарли даражада қалла суяги излаб палеоантропологик коллекция йиғини учун Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида катта археологик-антропологик ишлар олиб бориляпти. Ана шу ашёлар этник жамоалар шаклланиши усулини аниқлаш учун зарурдир. Бунда, афтидан, миграция жараёнилари муҳим аҳамият касб этган. Этнографлар маҳаллий аҳоли (субстрат) ва кўчиб келган аҳоли (суперстрат) ўзаро муносабатларининг уч асосий кўринишини белгиладилар: а) кўчиб келганлар кам сонли бўлганлигидан маҳаллий аҳоли орасига без сийгиб кетиб, унинг тили ва маданиятини ўзлаштиради; б) маҳаллий ҳамда кўчиб келган аҳоли сони тенг бў-

либ, субстрат ва суперстратнинг аралашиб, бир-бирига сингиши кузатилади, бунинг натижасида янги этнос, аралаш халқ вужудга келади; в) келгиндилар кўпчиликини ташкил этади, маҳаллий аҳолини буткул ўзига сингдириб юборади, ўз тилини, маданиятини, антропологик гуруҳи таъсирини ўтказади, янги жойда ўз халқидан жуда оз фарқланувчи халқни вужудга келтиради. Ана шу қонуниятларни аниқлаш Ўрта Осиё, хусусан Шимолий Бактрия халқлари этногенезининг муҳим назибаларидан биридир.

БРОНЗА, ИЛК ТЕМИР ВА АНТИК ДАВР АҲОЛИСИ

Ҳайкал тасвирлари ҳамда антропологик ашёларни тадқиқ этиш натижаларини текшириб кўришда биз Шимолий Бактриянинг антик даврга оид кўплаб ҳайкаллари мажмуасига мурожаат этамиз. Бунда биз ўзини на саналар, на ҳудудлар билан чекламай, Ўрта Осиёнинг илк тарихий давларига, масалан, бронза даврига саёҳат қиламиз.

Бронза даври бўйича Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларига оид ажойиб антропологик ашёга эгамиз. Бронза даври ҳамда илк темир даврининг тасвирли санъат ёдгорликлари қадимги бактрияликларнинг антропологик қиёфаси хусусида муайян тасаввур бера олмайдиган сийрак ва таъсирчанлиги камроқ бўлган нусхалардан иборат. Сурхондарё вилоятидаги Мершода манзилгоҳидан топилган мўъжазгина тошдан ишланган қалла бундан мустасно бўлиб, схемалаштирилган услубда ишланган, у миладдан аввалги II ҳинг йилликка мансуб диний йўсиндаги комплекснинг бир қисmidир. Боши юмалоқ шаклда қора тошдан йўниб ишланган, мозий ариқчалар тарзида акс эттирилган сочлари тўғри шаклда. Юзи кенг, думалоқ, бодомқовоқ. Унинг қиёфаси, маълум услубга солиштирилганга қарамай, европеоид тузилишга эга. Афсуски, ана шу бошига қараб биз у европеоид ирқининг айнан қайси турига мансублигини аниқлай олаемиз. Бу эса ният муҳим, зеро Ўрта Осиё худудида европеоидларнинг ўзи шу ирқининг бир қанча турларига бўлинган. Қадимги Бактрия ҳамда Маргиён худудига Ўрта денгиз ирқининг вакиллари тарқалган, уларнинг асосий ирқий хусусиятлари хусусида юқорида фикр билдирган эдик. Улар баланд бўйли, боши чўзинчоқ, қорамоғиздан келган, юзи тор, силлиқ, Ўрта Осиёнинг шимолий қисмида эса европеоид қиёфали одамлар яшаган, лекин улар жануб аҳолисидан боши-

нинг думалоқ шаклидалиги, қаншарининг нишоблиги, қош усти ёллариининг бўртиб чиққанлиги билан фарқланади. Бундан ташқари, уларнинг юзи жуда кенг ва унча мўзик бўлмаган. Европеонд ирқининг ана шу икки туркумига мансуб вакилларининг туташув сарҳади За-
рафшон водийси бўйлаб ўтган. Кейинги туркумдагилар антропология фанида андронов ирқи вакиллари деб юритилади. Ана шу комплекс ўша вақтларда жуда кат-



1,2,3-расмлар. Бронза даври Сополлитепа мазлиги эркаклари (миллоддан аввалги II минг йиллик, калла суяги бўйича тиклаган).

Керак
V

та худудга — Волгабўйидан то Миусениск ҳавзасигача тарқалган эди. Урта денгиз ирқи вакиллари ҳам Урта денгиздан Хитой сарҳадларигача бўлган жуда катта жойини эгаллаган. Ана шу ирқий хусусиятлар Узбекистонда — Жарқўтон, Сополлитепа, Бўстон, Миршоди, Тожикистонда эса Маконимор, Ориқтовдаги аҳолилар учун хос бўлган. Мисол тариқасида Сурхондарё вилоятидаги бронза даврига мансуб Сополлитепа манзилгоҳида бундан 3,5—4 минг йил муқаддам яшаган одамларининг калла суяклари асосида ўзимиз қайта тиклаган тасвирлардан бир қанчасини эътиборингизга ҳавола қиламиз (1—3-расмлар). Афсуски, Миршодадан топилган тош ҳайкал бошчанинг қайси ирққа мансублиги мавҳум.

Бироқ шунга имонимиз комилки, бунда монголоидлик асорати йўқ.

Урта Осиёда тасвирий санъат антик даврда гуллаб яшлаган. Шаҳар маданиятининг илдам ривожланиши, янги шаҳар марказлари вужудга келиши, бадий маданиятнинг юксалиши, тасвирий санъат янги услубларининг пайдо бўлиши ҳам худди шу давр билан боғлиқдир. Нафис ва медальер санъатининг юксак бадий намуналари ҳам шу даврга хосдир.

Антик Бактриянинг юнон маданияти давридаги шаҳарларида (Афғонистонда Ойхоним, Жанубий Тожикистонда Тахти Сангин) тош ҳайкал гусахлари кўп солин бўлиб, ҳатто Бактриядан ташқарида ҳам кенг тарқалган. Антик ҳайкалтарошлик хилма-хил ҳолатларининг эркинлиги, қисмларининг обдан тобига етказиб ишланганлиги, шакл ва бадий тузилишининг такомли билан ифодаланади. Кўпинча Кушон Бактрияси асарлари ўзининг классик намуналарига эришган ва Юнонистоннинг юксак классик давридаёқ ишлаб чиқилган қонуниятлар асосида яратилган, уларда Юнонистоннинг буюк ҳайкалтарошлари — Праксителъ, Лисипп ва бошқаларининг таъсири кўзга ташланади, бошининг асосга нишобан мутаносиблиги диний қондаларга тўғри келади. Бош ва юз талқинида ҳам юнон нафис санъатининг юксак муваффақиятларининг таъсири сезилиб туради. Тасвирдаги шахс хусусиятлари кўп жиҳатдан Юнонистоннинг нафис санъатининг умумлашма намуналарига кўп жиҳатдан яқин: тўғри, «юнонча» бурув, юнқа лаблар, силлик нияк, тухумсимон юз тузилиши, шаҳдо кўзлар, нафис қовоқлар. Юнон-Бактрия тангаларига келсак, бунда антик даврдан нагариги Урта Осиё санъатининг ажойиб ҳодисасига дуч келамиз: танга юзасига подшоҳлар тасвири шундай аниқ муҳрланганки, ўз руҳий ҳиссиёти ва суратининг ишончлилиги бўйича бу тангаларининг тенги йўқ деса бўлади. Кўз ўнгимизда юнон-бактрия оламнинг бутун бир образлар системаси намойиши, улар орқали фақат шу регионнинг сиёсий тарихининггина эмас, балки подшоҳларининг насл-насабини ҳам уқиб олаётган бўлади. Бу подшоҳ тасвирлари туширилган аверс тасвирларига хос бўлиб, бундай тангачининг орқа томонидан тик турган ёки тахтадан таназвор ўтирган худонинг гавдаси ёхуд муайян даражада муваффақиятли ҳукмронлик қилган подшоҳларининг ҳомийлари бўлган худоларининг рамзи туширилган.

Мана, масалан, биринчи мустақил юнон-бактрия подшоҳи Диодоттининг тасвири ёиламасига берилган. Бо-

ши думалоқ шаклда бўлиб, пешонасидан юқорироғи борланган, узун, тўғри бурни тик энеси фонида кескин бўртиб чиқиб турибди, юзининг пастки қисми торроқлиги, нафис нағи булар юнонларга мансублигини кўрсатиб туради. Машҳур подшоҳ Евтидемнинг тасвири бирмунча гамган ва баджаҳд тарзда берилган. Бу ҳокимнинг бўйни йўғон ва боши катта. Думалоқ боши осилиб турувчи калта соч билан қопланган бўлиб, лента танғиб қўйилган, қаншари элик бўлиб, ажинлари ўртасида энлама чуқурча борлигини ҳайкалтарош таъкидлаган



456-расмлар. Бронза даври Сидолитена мазрғали аёллари (калла суяги бўйича тикланган).

кўринади, узун қирғий бурни, аниқ кўзга ташланиб турувчи еллик нағи, кезик лаблари моҳирлик билан тасвирланган. Бошқа бир юнон-бактрия подшоҳи Гелиокл ҳам ана шундай яққол хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган. Тиллақош қоплаб турган қалин ослама сочлар, йирик этдор бурун ва чуқур кўзлар. Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, юнон-бактрия подшоҳларининг

деярли барча тасвирлари учун бошининг думалоқлиги, йирик тўғри ёки этдор қирғий бурун, яққол кўзга ташланиб турувчи нағи, бодомқовоқли шахло кўзлар хосдир. Юнон-Бактрия таиғалари маҳаллий аҳолидан ташқи қиёфаси фарқланишини кўрсатувчи айрим ўзига хос қисмларга эга бўлган яққол европеоид антропологик гуруҳ қиёфасини ўзида мужассам этган.

Шимолий Бактриядаги маданий-тарихий ҳолат ва айниқса Бактрия подшоҳлигининг вужудга келиши билан боғлиқ ҳодисалар хусусан мансабдор доираларга юнон этник унсурни таъсири катта бўлганлигидан далилат беради. Ҳўш, юнонларнинг уз қиёфалари қандай бўлган? Буни аниқлаш учун тарқалган турли ерлардаги юнонларнинг антропологик таркиби соҳасидаги тадқиқотларга мурожаат қиламиз. Чунончи, юнон антропологи А. Н. Пулянос ўзининг кенг кўламли олиб борган тадқиқотларида шунини қатъий исботладики, ҳозирги замон юнонлари кескин аҳс этувчи европеоид хусусиятларга эга. Лекин уларнинг боши чўзиқ эмас, балки юмалоқ, калта шаклдадир. Антрополог Г. Морант ҳозирги замонга яқин мазорлардан олинган калла суяқларини тадқиқ эттиш йўли билан юнонларда думалоқ калта бошнинг комплекслар кенг тарқалганлигини аниқлади. Маълумки, болгар антропологи П. Боев асарларида шу нарса исбот этилдики, неолит ва бронза даврларига мансуб Юконистон аҳолиси мутлақо ўзгача — узун бош шаклда бўлган. Унинг ёзишича, чўзиқ бошли Юконистон аҳолисининг Болқон ярим оролидаги думалоқ бошли қўшинлари билан аралашиб кетиши охир-оқибат юнонларнинг думалоқ бош шаклига эга бўлишига олиб келган. Шу асосда Далварзин ва Холмаён ҳайкалчиларини тадқиқ этган В. П. Алексеев (Г. А. Пугаченкова уларда подшоҳ авлодлари вакиллари ҳамда юқори табақа кишилари тасвирланган деб ҳисоблайди) улар юнон этник унсурни таъсирида бўлган деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, юнонларнинг Кушон Бактрияси аҳолисига таъсирини англаб етиш мушкул, зеро суяк аптёсида у ёки бу гуруҳга мансуб бош суягини муайян ирққа мансублаштириш имконини берадиган муҳим белгилар учрамайди. Фикримизча, Кушон Бактрияси аҳолисининг ирқий таркиби вужудга келишида унинг шимолидаги қўшинларига — Оролбўйи ҳамда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларидаги аҳолига катта эътибор бериш керак. Фақат шундагина юнон халқи унсурининг маҳаллий аҳолига таъсирини инкор этмаган ҳолда лекин унинг кўламини билмай туриб, Урта Осиёнинг шаҳар ва қиш-

лоқ, шунингдек келгинди кўчманчи аҳолисининг ўзаро муносабатлари тарзини тўғри аниқлаш мумкин. Антик давр кўчманчилари ўта даражада монголлашган деб ўйлаш хато бўлур эди. Мавжуд ашёлар шундан далолат берадики, улар турли даражада монголлашган. Европеонлашмаган соф монголоид бизга маълум эмас. Биз билахизки, Юнон-Бактрия подшолитини емириб, улкан Кушон империясини барпо этган кўчманчилар, табиийки, шу давлатдаги ҳукумат бошлиқларининг ўзларидир. Атайини шакл ўзгартириш белгилари сақлашиб қолган бошнинг думалоқ шакли айнан шулар учун хос бўлиб, улар бу русумни ўзлари билан Сирдарё ортидаги даштлардан Бактрияга олиб келганларки, бу фикр кўплаб қазилма антропологик ашёлар ҳамда уларга бағишланган маҳсуе тадқиқотлар билан неботланган. Қолаверса, Кушон санъатининг йирик билимдони Г. А. Пугаченкованинг фикрини ҳам назардан қочирмаслик керак. У иконографик ашёларда шу нарсани аниқладики, Кушон Бактрияси аҳолисининг шаклланишида маҳаллий шаҳар ва қишлоқ аҳолисидан ташқари, учинчи келгинди кўчманчи қисм ҳам иштирок этган. Бизнинг Далварзин ва Холчаён ҳайкал тасвирларининг антропологик хусусиятлари ҳақидаги мулоҳазаларимиз мазкур санъатшunos томонидан кўплаб-қувватланмоқда.

Далварзин ва Холчаён ҳайкалчаларида кўрсатиб ўтилган ва Кушон Бактриясининг кўплаб палеоантропологик ашёлари билан неботланган морфологик хусусиятлар уларда ҳозирги замон ўзбеклари ва текисликда яшайдиган тожиклар ташқи қиёфасининг шаклланиши илк босқичларини кўриш имконини беради. Биз кўплаб илмий мақолаларимизда ва антропологияга оид маҳсуе асарларимизда ўзбеклар ва текисликда яшовчи тожикларнинг ташқи қиёфаси, яъни антропологик гуруҳининг шаклланиши Урта Осиёнинг шимолӣ районларида бошланганлигини неботлаганмиз. Уларга, биринчи навбатда, Амударё ва Сирдарё этакларини, хусусан ҳозирги Тошкент вилояти ҳудудини ҳамда унга ёқдош Тожикистоннинг шимолӣ-ғарбини, Қозғиетоннинг жанубини ва Қирғизистоннинг Чув водийсини киритамиз. Ана шу жойлардан милоддан аввалги I-нинг йиллик ўрталарида ва айниқса милоддан аввалги сўнгги асрларда жанубий йўналишида кўчманчи қабилалар йўлга тушиб, Юнон-Бактрия подшоҳлиги сарҳадларигача етиб борган ва ўтроқлашиб, маҳаллий аҳоли билан генетик муносабат қила бошлаган. Бунинг натижасида бизга Далварзин, Холчаён, Қоратена, Фаётепа ва бошқа ер-

лардан топилган ҳайкал тасвирларидан маълум бўлган кушонларнинг ташқи қиёфаси шаклланган.

Милоддан аввалги I-нинг йиллигининг охирларида жанубий вилоятлар томон ҳаракатланган қабилалар ирқий жиҳатдан бир хил эмас эди. Улар асосан ўз европеоид хусусиятларига ва баъзан турли даражада намоён бўлган монголоид белгиларига эга бўлиб, бир-биридан бир оз фарқ қилар эди. Айнан шу фарқлар уларнинг дастлаб яшаган жойини ва жануб томон ҳаракат йўлини белгилаш учун асос беради.

Бегона кўчманчи унсурларининг Урта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик ноҳияларига кира бориши милоддан олдинги I-нинг йиллигининг ўрталаридан бошланган. Милоддан аввалги II асрнинг сўнгги учинчи чорагида Урта Осиё этник тарихида рўй берган муҳим воқеа ёзма манбаларда Катта юзчиқлар номи билан машҳур бўлган кўчманчиларнинг шимолдан келиши ҳисобланган: улар Юнон-Бактрия давлатини барбод қилганлар, Амударёнинг ўрта оқимларидаги ерларни эгаллаб олганлар, кейинроқ бизнинг милод сарҳадларида тарихда Кушонлар давлати номи билан машҳур бўлган улкан давлатга асос солганлар. Бу давлат IV асрга қадар мавжуд бўлди. Кўчманчилар эрта-секин ўтроқ бўла бошланди ва деҳқончилик билан шугулланувчи халқларнинг татбирига тушибди, бироқ кўчманчиларнинг деҳқонларга аке таъсири белгилари ҳам мавжудки, бу ҳол мутахассис Б. Я. Ставскийнинг фикрича, уларнинг моддий маданиятида ўз акени топган.

Жанубий вилоятларга юзчи кўчманчи қабилаларининг кира бориши Урта Осиё халқлари ҳаётида сапа жиҳатидан энг олдинги ва муҳим воқеа ҳисобланади. Тожикистондаги Вахш ва Қофирниқон дарё vodiylarida даги Тулхар ва Ориқтов қўрғон қабрлари қолдирган аҳоли юзчиқлар бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. Шимолӣ Бактриядаги мазкур икки йирик қабр ёнма-ён жойлашган, уларнинг асосий тадқиқотчиси А. М. Манделштамнинг фикрича, улар бир-бирига жуда яқин моддий маданиятга эга. Археологик маълумотларга кўра, улар айни бир қариндош қабилалар томонидан қолдирилган. Антропологик жиҳатдан ҳам улар кўпгина умумий морфологик хусусият касб этган. Бироқ синчиклаб таҳлил этилса, шу нарсга равшанлашадики, Тулхар ҳамда Ориқтов аҳолиси таркибига хилма-хил ирқий ва этник қисмлар кирган. Бундан ташқари, тулхарлар ориқтовликларга нисбатан кўпроқ монголоиддир, устига устак Тулхарда бош пешана-энса қисмининг шакли бузилиши кенг

ЖК

тарқалган. Биз Тулхар ва Ориқтов кўчманчи қабилаларининг ташқи қиёфасидаги тафовутларни аниқлашга, уларнинг дастлаб яшаган жойига, шунингдек Шимолий Бактрия шаҳар ва қишлоқларининг маҳаллий аҳолиси билан этник алоқаларига буткул бағишланган махсус асар яратдик. Антропологик ашёлар таҳлили шуни кўрсатадики, Кушон Бактрияси кўчманчи қабилалари илгариги даврларга мансуб маҳаллий аҳолидан кескин фарқ қилади. Бу масалалар Кушон Бактрияси аҳолисининг шаклланишида гоят муҳим бўлганлигидан кейинроқ уларни батафсил таҳлил этини режалаштирдик.

КУШОН БАКТРИЯСИ АҲОЛИСИ

Ўрта Осиё, хусусан Кушон Бактрияси худудидан топилган бой ҳайкаллар коллекциясида антропологик қайта тиклаш муаммоси академик В. П. Алексеевнинг биринчи махсус асарида баён этилган. У Сурхондарё вилоятидаги Холчаён ва Далварзин кўҳна манзилгоҳларидаги ҳайкалларни тадқиқ этди. Жумхурият Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Г. А. Пугаченкованинг бир қатор асарларида ҳайкалларнинг аҳамияти, семантик моҳияти ва бадний услуби таҳлил этилиб, унинг юнон маданияти давридаги шарқий Ўрта денгиз санъатининг бошқа шунга ўхшаш классик ҳайкалтарошлик асарлари ўртасида эгаллаган ўрни ёритиб берилган. Мазкур асарларда Кушон Бактрияси ҳайкалларининг келиб чиқиши муаммосига ва унинг гашдхар санъати ва Улкан Кушон империясининг бошқа районларидаги санъат билан ўзаро муносабатларига алоҳида эътибор берилган.

Сўз юритилаётган масалалар хусусида муаллифининг қуйидаги асосий хулосаси муҳимдир: «Бактрия ҳайкалтарошлиқ ёдгорликларининг таҳлили ягона оқимга бирлашуви уч асосий манбани аниқлаш имконини берди: юнон маданиятининг юксак муваффақиятларини ўзига сиғдирган антик Бактрия шаҳрининг профессионал санъати, асосий соҳиб, чамаси, асосан кўҳна Бактрия тархоги ва ниҳоят, кўчманчи дашт маданияти. Бактрия санъатининг энг яхши намуналарида ана шу учала асос бир-бири билан узвий боғлиқ».

Холчаён ва Далварзин ҳайкалларининг юксак воқеий афзалликлари ва тасвирлилиги Г. А. Пугаченковага Холчаённинг нумизматик тасвирли ҳайкалидан Герай

ҳайкалини қайта тиклашда фойдаланиш имконини беради. У ҳайкал тасвирининг антропологик хусусиятларини ифодалашга ҳаракат қилган. Бу борада китобхонга тўлиқроқ маълумот бериш учун асарнинг Герай ҳайкалига бағишланган қисмидан парча келтираман: «Биронта ҳам юз тузилиши бир-бирини такрорламайди, уларнинг бари ўзига хос, чамаси тасвирли бўлиб, ёш, мижоз, хусусиятларнинг шахсий тафовутларини ифода этади. Шунга қарамай, уларнинг антропологик туркуми ягона эканлиги аниқ. Ажин чизиқларининг пемона ўртасида бирмунча пасайиши ва қаншар устида кескин осилиб туриши унинг юз тузилишига муайян даражада баъжаҳдлик касб этган, буруннинг тўғри, унчалик йирик эмаслиги, ёноқ суяги бирмунча чиққандлиги, қуйи жағнинг квадратсимон шакладанлиги, наст лабнинг бўртиб чиққандлиги хосдир. Кўзи қисик, лекин монголонд ирқига мансуб бироп белгисиз бўлса-да, ҳайкалтарош ҳайкални бўяганда қовоқларга ҳам будқ торганки, натижада қовоқларни чакка томон қиялатма чўзиб юборган. Эна қисми гоят япасқи бўлиб қолганки, эҳтимол, ҳайкалтарош ҳайкал ясаш хусусиятларининг ўзигагина боғлиқ бўлиб қолмай (ҳайкаллар текис жойда бўрттириб ишланган композиция таркибига кириб, ҳайкал бошлари деворга тегай-тегай деб туради), балки тожик, ўзбек ва уйғурларда чиқалоқларни бешикка белашда рўй берадиган эна япасқилигини тасвир эта олгандир. Чамаси, бизнинг ҳайкал бошлари калла суяги шаклини суний ўзгартиришнинг кўринишларида бирини акс эттирадими, бу удум қадимдаги кўп халқлар учун хос бўлган, туркманларда эса яқин-яқинларгача сақланган. Япасқи эна ҳамда қаншар устида суякнинг осилиб туриши болалар ёшлтиданоқ бошини махсус боғич билан танғиб қўйилганлиги оқибатидир; катталарда эса сочи ушлаб турувчи омил сифатида илгичка камар сақланиб турган. Баён этилган ҳайкал бошлари европеонд ирқи деб аталадиган ирқий турга мансуб.

Кушон давлати вакиллариининг ташқи қиёфаси мутлақо ўзгачадир. Юнон-Бактрия подшоҳлиги эгдаралганидан кейин кушонлар Ўрта Осиё тарихида мустақкам ўрни олинди ва узок вақт мобайнида ҳокимиятни бошқаришди. Кушонлар империяси Ҳиндистонга қадар давом этиб, шарҳда унинг шимоли-ғарбий қисмини эгаллаган, жанубда Афғонистонга қадар чўзилган. Хон Хитойи, Рим ва Парфия билан бир қаторда Кушон империяси Қадимги дунёнинг энг қудратли давлатларидан бирига айланади. Кушонлар хитой манбаларида Да-

юэчжи, яъни «катта юэчжи» деб аталиб, Хитойнинг ғарбий сарҳадларида катта худудга тарқалган. Улар ўз номини кейинчалик кўплаб қабилаларнинг ғарбга томон кўчиши натижасида олганки, улар орасида той шуань тармоғи ажралиб, ўз атрофида бошқа қабилаларни тўплай олишга муваффақ бўлган. Хитой манбаларининг шохидлик беришича, уларнинг тили эрон тилининг турларидан бири бўлган. Хўш, кушонларнинг қиёфаси қандай бўлган? Бунинг учун кушонлар даври санъати ёдгорликларига мурожаат этамиз. Улар тасвирий санъатда юнон маданияти анъаналарини давом эттириб, образли ҳал этишининг янги турига эга бўлган. Кушон давлати давридаги аҳолининг кийим-кечаги Юнон-Бактрия санъатининг юнон маданияти намуналарига қиёслаганда мутлақо янги ва ўзига хос хусусият касб этган. Агар юнон-бактрия тасвирлари учун гимназия ва хитон, пеллос плаш тарандаги кийим расм бўлган бўлса, кушон санъати кишилари учун мўйнадан ёқа тутылган қалин ёлканўш чакмаксимон кўйлак, узун бурма шарвар, учлик этик ёки шнур тақиб энч таъғиландиган пойафзал ҳосидир.

Ичдан кийиландиган кийимлардан бўйин қисми думалоқ ўйилган узун кўйлакни айтиб ўтиш мумкинки, унинг устидан белбоғ боғланган. Кушонлар кийим-кечасининг асосий хусусиятлари қисқача шулардан иборат. Биз бу ерда кўйлак бичими ва айрим қисмларидаги хилма-хилликлар устида тўхталиб ўтмадик, улар ҳақида ҳайкал комплекслари таҳлили мобайнида йўл-йўлакай фикр юритамиз.

Шундай қилиб, юнон-бактрия давридан кейин Ўрта Осиё тарихида ўз табиати жиҳатидан янги маданият ва санъат ажралиб чиқадик, улар адабиётларда юэчжилар деб аталувчи кўчманчи қабилаларнинг келиши билан боғлиқ.

Кушон асизодалари илк тасвирларидан бири Холчаён ёдгорлигидир. Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳри яқинида жойлашган бу ёдгорлик 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларида Г. А. Пугаченкова раҳбарлигида Санъатшунослик институти олимлари томонидан очилган. Кейинги олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Холчаён комплекси фақат Бактриянинггина эмас, балки умуман Ўрта Осиё баддий маданиятининг умумий тадрижий тараққиётида муҳим ўрни тутади. Ёдгорликни муфассал таърифлаб ўтирмай, шуни таъкидлаймизки, марказий ўринни эгаллаган ҳайкал композицияси ҳокимлар саройининг таъ-

танали маросимлар ўтказиладиган заллар атрофини безайдиган унсурлар ҳисобланганки, Холчаёндаги ҳайкал тасвирларининг кейинги таҳлилнинг кўрсатишича, улар илк кушон авлодики, эҳтимол герайлар авлодига яқиндир. Ҳайкал композициясининг мазмуни асосан сарой ҳаётига, тахтиравонда ўтирган ҳоким ва унинг аъёнларига тааллуқлидир. Холчаён асарларида, чамаси аниқ тарихий шахсларни акс эттирувчи дунёвий тасвирлар билан бир қаторда Бактрия давридан илгариги усталарнинг асарларини кўп жиҳатдан такрорловчи сатрлар (юнон мифологиясида май ва айш-вираат худосининг эчки шаклида бўлган фехишабоз ҳамроҳи), махарабозликдан иборат гротеск тарзидаги шахс тасвирлари ҳам иштирок этади. Лекин ана шу афсонавий қиёфаларни акс эттиришда қадимий Холчаён усталари уларга мутлақо янгича оҳанг касб этувчи унсурларни киритишган. Сирасини айтганда, ҳайкал, айниқса бошни изоҳлаш фарқловчи белгилардан бири ҳисобланади. Масалан, қадимги юнон маданияти энг кенг тарқалган тасвирлардан бири—гулчамбар таққан тасвир бактриялик ҳайкалтарошлар қўлида янгича ечимини топди. Мана, яланғоч тасвирдаги ҳайкал-у юнон услубидаги назмин ҳолатига олиб кўринг. Бироқ гулчамбар таққан тасвир қиёфасига бир эътибор берайлик: улар ўзларидан илгариги ўтмишдошларидан янгича ижод, ўзига хос хусусияти жиҳатидан ажралиб туради. Кўз ўнгимизда гулчамбар тақувчиларнинг бир қолипдаги тасвирларидан фарқланувчи ўзгача қиёфа намоён бўлади. Ҳайкал қисмлари ва умуман бошни ясашнинг бир қанча даража услублари: чўзиқ, қуйи қисми кўпчиган шакли юзлар, бирмунча ботиқ шахло кўзлар, чўзиқ қулоқлар, тўғри бурунлар кўзга ташланади. Юзи ўрта чакка қисмида тораёди. Чўзиқ шаклдаги бош калта осилиб турувчи сочи билан қопланган, сочи пешонага тақаб қирқилган, бинобарин, пешона очиб кўйилган. Булардан ташқари, гулчамбар таққан ҳайкал яхлит билагузуқлар билан зийнатланган. Яланғоч ҳайкалга шартли равишда шаффоф либос кийдирилганки, у кўкракда илгак билан мустаҳкамланган тўлқинсимон чизиқлар тарзида бўяб тасвирланган.

Бошқа бир гулчамбар таққан ҳайкал бошидаги ўткир учли пўстин телпак тарзидаги бош кийими диққатга сазовор, бу телпак қулоқ ва энсани беркитиб туради. Бундай бош кийими Ўрта Осиёдаги сак қабилаларининг кенг доирасига ҳосидир.

Холчаёндаги қазинмаларда топилган қўпгина ҳай-

жалларнинг бошлари тадқиқотчилар томонидан дионисий доирасидаги тасвирлар тарзида шарҳланган, лекин бунинг ажабланидиган ери шундаки, ана шу ҳайкаллар индивидуаллаштирилган хусусиятлар асосида тасвирланган, бамисоли уста санъаткор уларни оломон ичидан ажратиб олгандек туюлади. Уларнинг барчаси учун узунчоқ шаклдаги европеонд юз тузилиши, кўзларнинг йириклиги ва ташқи чеккаларининг осилиб тушганлиги хосдир; уларнинг ҳаммасида бурун тўғри, пешона келг, қуюқ соч билан қопланган тарада тасвирланган. Сопол ҳайкалчалардаги бўёқларга қараб сочи ва терасининг ранги хусусида фикр юритиш мумкин. Ҳайкаллардаги соч ва соқоллар кўкимтир-қора рангда, айримларида, чамаси сочининг қўнғиррашглигини аке эгтирувчи оч жигарранг бўёқ излари кўзга ташланади. Қош, китриқчианқлари, кўз соққасининг ёй пардаси қора рангда белгилашган. Юз эса оч жигаррангнинг қизғимтир-қизилдан... то шоколад тусигача бўлган рангларда бўялган.

Подшоҳлик қавми вакиллари билан боғланадиган бир қатор ҳайкал тасвирлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳайкал тасвирлари шу жиҳатдан қизиқарлики, улар, фикримизча, воқеий шахслар тасвири сифатида яратилган; шунинг учун рассом моделининг ўзига хос хусусиятларини аниқ ифода этишга ҳаракат қилган ҳолда ҳатто юздаги энг майда белгиларга, соч турмаги, кийим-кечакка ҳам эътибор берган.

Марказий шахслардан бири ўтирган ҳолдаги аёл ҳайкалидир. У узун, товонга тегиб турган кўйлак кийиб олган тарзда ифодаланган. Белда ингичка белбоғ бор, у кўкрак устида учбурчак ўйилма ҳосил қилади. Юзи навқирон, тухумсимон шаклда бўлиб, моҳирона ишланган (7-расм). Кенг пешона тепасида тиллақош кўзга ташланади. Қаншар ёйлари суёт ифодааланган, улар аста кўз усти юзаси билан тутшиб кетади, қовоқлар бўрттириб кўрсатилган; юқори қовоқлар анчагина бўртиқ, пастки қовоқлар эса хийлагина суёт бўртган, кўз косаси катта, ёноқ суяги айтарли яққол эмас (айтиш мумкинки, улар ҳатто деярли силлиқланиб кетган ҳисоб). Бурун тўғри, ингичка, оғзи кичик, лаблар яққол тасвирланган, ияги яеси, бирмунча силлиқланган бўлиб, аста бўйинга туташиб кетган. Юқорида баён этилган эркак тасвиридан фарқли ўлароқ, бу аёл ҳайкали юзининг анчагина кенглиги билан ажралиб туради. Пешона устидаги тутамланган қуюқ осма сочларни мустаҳкам ушлаб турувчи тиллақош унинг юқори табақага мансуб эканлигидан далолат бериб туради.

Шуни айтиш керакки, баъзи тасвирларда маҳаллий европеонд аҳолига хос бўлмаган ўзига хос морфологик хусусиятлар мавжудлиги аниқланди. Бу, биринчи навбатда, кўз қисмига, бурун тузилиши ва ёноқ бўртмаларига тааллуқлидир. Дарҳақиқат, ҳайкал тасвирида мўъжазгина кўз ўйиқлари, бодомқовоқлик, кўзининг ташқи бурчаги ички бурчагилан юқорироқ эканлиги, буруннинг бир қолигга мансублиги, ёноқларнинг нисбатан бўртмаллиги ифодааланган. Айнан ана шу муҳим белгилар тасвиридаги одам агар монголоид irqига мансуб



7-расм. Хончаёнда топилган, тахта ўтирган аёл калласи ҳайкали (милоддан аввалги I аср — милоднинг I асри).

бўлмасида, ҳар ҳолда ўзида асосий европеонд комплексида ташқари, монголоид irqи унсурларининг муайян қисмини мужассам этганлигидан далолат беради. Шу муносабат билан мазкур қадимий ҳайкалтарош бу хусусиятларни нечоғди тўғри ифода этганлиги таҳлил талабдир. Бу ҳам ҳайкалтарошнинг маълум бир услубга солиш ёки бадний усулидир. Бунинг учун биз бевосита антропологик ашёга мурожаат қилиб, уни тадқиқ этиш асосидагина мазкур муҳим саволга асосан жавоб беришимиз мумкин.

Шу нарса қатъий исботлангани, Ўрта Осиёнинг фақат жанубий эмас, балки шимолий дашт вилоятларининг қадимий аҳолиси учун европеонд қиёфа хосдир.

Утרוқ деҳқончилик қабилалари ҳам, чорвадор қаби-

лалари ҳам бир хилда европеонд қиёфасига эга бўлган. Буни алоҳида таъкидлашимизнинг боиси шундаки, Урта Осиё тарихининг аниқгина кечроқ даврларида бу қонуният бузилади: шимолий ва шимоли-шарқий вилоятлардан айван катта монголоид ирқи шаклланиши маркази—Марказий Осиёдан чиққан кучманчи чорвадор монголоид ирқи белгиларига эга. Урта Осиёнинг антик, Урта аср шаҳар ва мавзелари ўтроқ-деҳқончилик аҳолиси хусусида шунини айтиш керакки, улар ҳар вақт европеонд хусусиятлар билан ифодаланган.

Монголоид қиёфасининг янги гуруҳлари милоддан олдинги I-минг йилликнинг ўрталаридан Урта Осиёга келиб кела бошлади. Улар аввал Қадимги Бухоро воҳасининг Ғарбий дашт сарҳадида жойлашган,



8-расм. Холчаёндан топилган парфиялик аслада ҳайкали (милоддан аввалги I аср — милоднинг I асри).

Бу даврда улар фақат Сугдга эмас, балки Урта Осиёнинг бошқа вилоятларига ҳам кира боради. Чувончи, монголоид қиёфали кишилар Тошкент воҳаси, Ғарбий, жануби-шарқий Оролбўйи сак аҳолиси орасида, шунингдек Тяньшанда ҳам қайд этилган. Монголоид хусусиятли қабилалар дастлаб Урта Осиё ҳудудида тарқоқ ҳолда эмас, балки яхлит тарзда учта йirik регионда: Оролбўйи, Зарафшоннинг қуйи ва ўрта оқими, Тяньшанда жойлашган. Милод сарҳадида монголоид қиёфали қабилалар янада кенроқ тарқалиб, Урта Осиёнинг марказий

ва жанубий ноҳияларигача етиб борган. Юқорида тилга олганимиздек, антик даврда кучманчи қабилалар асосан Шимолий Бактрия ва қўшни Сугднинг шаҳар муҳитида ҳамда йirik мавзеларида ўтроқлашшди, қишлоқ ерларда ўтроқлашшш нихоятда сийрак ва кичикроқ кўламларда кечди. Шундай қилиб, Кушон Бактриясининг айрим ҳайкал тасвирларида аниқланган монголоид ирқи хусусиятлари ўша даврнинг ҳақиқий ирқий ва этник ҳолатини шубҳасиз ифода этади. Бу ҳол этногенетик тузилмаларда ҳайкаллардан фойдаланиш нечоғди муҳим ва зарур эканлигини таъкидлайди.

Ҳам ҳайкалтарошлик, ҳам этник жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган Холчаёндан топилган айрим эркаклар тасвири хусусида тўхталиб ўтишни лозим кўрдик (8-расм). Қибрли оҳангда сал юқорига кўтарилган, шоҳона лента билан безатилган йirik қалма ўзига хослиги билан ажралиб туради: елкаларигача тушиб турган қуюқ жингалак соч, қуюқ жингалак соқоқ, чўзиқ юздаги узун чўққи мўйлаб, катта-катта кўзлар, тўғри бурун ўзига хос европеонд қиёфасини касб этган. Унинг кўрнини кўп жиҳатдан Парфия (Парфия—ҳозирги Туркманистон ҳудудида жойлашган Бактрияга қўшни давлат) доирасидаги подшоҳлар тасвирини аслатади. Масалан, у аршакид лодшоси Фраат IV нинг таиғаларидаги суратга жуда ўхшаб кетади.

Холчаёндаги ҳарбий яроқ-аслаҳали эркак тасвирини аке эттирувчи ҳайкаллардан бирини Г. А. Пугаченкоза Герайга мансублигини айтди. Юзаки қараганда, ҳайкал боши Кушоннинг илк подшоҳларидан бўлган подшоҳ Герайнинг таиғадаги тасвирига ўхшаб кетади. Биз қуйида батафсил таҳлил этадиган бундай антропологик гуруҳ Кушон даври тарихи давомидаги тасвирий санъатда кузатилади, анча кейинги ҳайкал тасвирлари: Куёакўрган, Тохаристоннинг илк санъати ҳам бундан мустасно эмас.

Шаҳзода Герай тасвири (8-расм) милоддан аввалги I-минг йиллик охирида Марказий Осиё тарихининг сиёсий сахнасига чиққан ва уч асрдан кўпроқ вақт мавжуд бўлган Кушон этник аҳолиси антропологик қиёфасининг энг ўзига хос ҳайкалтарошлик ифодасидир. Герай ва Холчаёндан топилган бошқа ёдгорликлардаги шахсларнинг ҳайкаллардаги тасвири ўзига хослиги, тасвирий ифодалилигига қарамай, милод сарҳадларида Урта Осиё этник қиёфаси мураккаб тузилишга эга бўлганлигини кўрсатувчи бир қатор жиддий белги ва комплексларга эга.

Тасвирларнинг фарқланувчи хусусиятлари бош шаклининг чўзиқлигидирки, эҳтимол бу сунъий шакл ўзгариши натижасидир. Пешона устида сочни сиқиб турувчи безакли тасма бошнинг чўзиқлигини янада кучайтиради. Сочлар текис, тўғри, орқага таралган. Кенг яси пешона тўғри, юнқа бурунга тутшиб кетган, лаблар қалин, иққол ифода этилган, қуюқ мўйлаблар ўткир уч ҳосил қилганча юқорига қайрилган, янги бўртиб турибди, пастки жағлари бесўнақай, буларнинг бари қиёфага кучлилик ва жасурлик мазмунини касб этган. Шунингдек қошлари юқорига қайрилган, кўзлари катта-катта,



9-расм. Герай аилонга мансуб кушон шахзадаси (Холчаён, милoddan аввалдан I аср — милoddan I аср).

кўзларнинг бурчаклари нигичка бўлиб, нафис юқорига қайрилган.

Кушон даври ҳинд ҳайкалтарошлигида Сак-Парфия ва Кушон ҳокимлари ҳайкал тасвирлари ўртасидаги бирмунча ўхшашлик ҳам кўзга ташланади. Холчаён ашёлари шахслар тасвири европеонд туркумига очиқ-ойдин мансуб бўлса-да, айни вақтда айрим намуналар ўзларининг таниқ қиёфасига кўра баъзи фарқланувчи хусусиятларга эгаллигини ҳам намойён этади. Масалан, чавандоз тасвири ҳайкал мажмуасининг бошқа шахслари билан ўхшашлигини аке эттирса-да, лекни устанинг

бошқа қиёфалардан бирмунча фарқлигини кўрсатишга нитилиши ҳам аён бўлиб турибди. Бу фарқлар қуйидагиларда намойён бўлади: кенг юз, кўз ўйиги торроқ, қовоқ четлари нигичка бўлиб, юқорига қайрилган, қошлар қаншардан эгри йўналган, бурун тўғри йўналиб, пастга—асос томон кенгайган, қуюқ мўйлабди кичик оғиз, яхлит няк, у йўғон бўйин билан бирлашиб кетади. Тўғри, орқага таралган сочлар юқоридаги ҳайкалдагига ўхшаш тасма билан боғлаб қўйилган.

Ўрта Осиё томон йўл олиб, бу ерда ўрнашиб қолган юзчи қабилалари муҳинда бундай антропологик туркум бўлиши тасодифийми? Йўқ, истисно эмас. Европеонд қиёфали кўплаб қабилалар билан бир қаторда монғолоид туркумли қабилалар ёки уларнинг вақиллари ҳам учраганки, бу ҳол антропологик ашёлар билан тасдиқланган.

Бактрия санъатида Холчаён тасвирий асарлари билан бир қаторда ўзининг тош рельефи билан машҳур бўлган бошқа археологик ёдгорлик—Айртон ҳам катта ўрин тутади (Сурхондарё вилояти, Эски Термиз шаҳристони). Рельефлар милoddнинг дастлабки асарларига тааллуқли бўлиб, сарой илшоотларининг безати ҳисобланган. Улар тошдан ишланган бўлиб, унда асосан чолғувчилар ва қиёфат қатнашчилари аке эттирилган. Айртон рельефлари композицияси ягона мақомга бўйсундирилган: созандаларининг кўкракдан юқори тасвирлари оралиғида йирик акашфа барги бўлиб, у тўғ ҳар бир одам тасвирини ажратиб туриш учун хизмат қилади. Ансамблдаги раққоса ва хонандаларининг завоқ-шавқли образи қуюқ барглалар фонда Бактрия қадимги аҳолиси турмушининг кўркем манзараси тасаввурини ҳосил қилади. Бироқ созандаларининг ҳиссий чеҳраларига қарамай, уларда бироқ бир хилма-хилликни, нитирокчиларининг бетакрор ва ўзига хосликларини англаб олиш мушкул. Рухиятга тўла холчаён образларидан фарқли ўлароқ, айртон қиёфалари муайян даражадаги бир хилликда яратилган. Соҳ турмақларидаги турлича услуб, қисман зеб-ийнатлар ҳам юз қиёфасининг бир хиллигига таъсир этмаган. Бу ҳолда жиддий аҳамиятга эга бўлмаган баъзи қисмларни истисно этганда барча каллалар бир-бирига ўхшаш ва бир хил тарздаки, у ҳақда тўхталиб ўтин жондир. Шунини унутмаслик керакки, бунда қадимги устанинг «академик» услубига қарамай, умумлашган тарзда муайян антропологик туркум намойён бўлган.

Рельефдаги қиёфалар пастак, бақувват; бундай тасаввурни думалоқ, бирмунча қўнолроқ, калта бўйинлар-

га ўрнатилган бошлар, кенг елкалар, номутаносиб калталаштирилган кўллар ва семиз, калта бармоқлар янда кучайтиради. Юз қиёфалари тўғри мутаносибликлари билан ажралаб туради. Унга хос хусусиятлари жумласига кўзларининг бир-биридан узоқда жойлашганлиги, юқори ва паст қовоқларнинг осилаб туриши, уларда кўзларининг юза жойлашганлиги, шунинг натижаси ўлароқ кўзларининг бўртма тарзда кўриниши, қошларнинг анчагина тўғри экани, аёл тасвирларида эса яққол ёй шаклида эканлиги, ёноқларнинг бирмунча бўртиб туришини киритиш мумкин. Бурун шакли тўғри, қаншарининг тораини сезилар-сезилмас. Лаблар унчалик катта эмас, сал бўртган, бу ҳол уд чалаётган сөзданда айниқса сезиларли. Муъжазгина юмалоқ шаклдаги бақбақа бирмунча осилаб турибди. Сочлари бир оз тўққисимон, ногоракан тасвирида пешонасига тушиб турибди, уд чалаётган сөзданда эса спиралсимон бурама шаклдаги майда кокиллар кўзга ташланади. Оғир пластик масадан нафис ҳайкал яшш маҳаллий аҳолига хос тасвирларни ифода этган ҳайкалтарошнинг заковатидан, ашёларни яхши билнишдан далолат беради. Бунга Айртем яқинидаги Фаёз тепа (Сурхондарё вилояти) будда маданий марказидан топилган мухташам ҳайкалтарошлик ёдгорлигидаги Будданинг марказий шаклига мисол келтириш мумкин. Фаёз тепа ёдгорлиги милоднинг дастлабки асрларига мансубдир.

Ҳайкал композицияси нештоқ архитектураси ҳошияси енигиб кетгани, унинг гумбазлари феимлик манзаралари билан безатилган бешта устунга суялиб туради. Уймада учта ҳайкалча бўлиб, удан марказийси ўтирган ҳолатдаги Будда ҳайкалидир. Бир қатор ингичка бурмалар тарзида ифодаланган узун кийим бутун танасини беркитиб туради. У будда диний ҳайкалтарошлигининг энг яхши анъаналари асосида яратилган ва Гандхар ҳайкалтарошлик мактабининг асарлари билан кўп муштаракликка эга. Масалан, пешона ўртасидан фарқ очилган тарзда соч турмаклаш ифодаси гандхар усталарининг услубини эслатади. Юз қиёфалари шакл ва мутаносибликларининг тақомили кўзга ташланади, унинг катта-катта кўли, думалоқ юзлиги, қовоқларининг бўртиб туриши ҳаётга чўмиш тарзида ифодаланганлиги, хийла табассумли кичкинагина оғзи ҳайкалга юксак даражада завқ-шавқ бахш этади. Шубҳасиз, кўз ўнгимизда «дошманавд»нинг идеаллаштирилган образи намойи. Унинг икки ёнида турган бошқа икки ҳайкалча масаласига келганда шунинг айтиш керакки, улар ўзла-

рининг ташқи қиёфаси бўйича яққол ажралаб туради. Ҳайкалчалар кичикроқ кўламда бажарилган бўлиб, эҳтимол роҳибларнинг ҳайкалчаларидир. Уларни Будда ҳайкалидан ажратаб туривчи биринчи омил—бошга нисбатан таналарининг калталаштирилган нисбатидирки, бундан калдаларининг йирик эканлиги сезилиб туради. Иккинчи омил—бошнинг чўзиқлигидир. Агар бунга бирмунча бўртма ёноқли чўзиқ юзни, бодомқовоқликни қўшадиган бўлсак, уларни Будда тазлимотини қабул қилган ва унга эътиқод этувчи маҳаллий аҳоли вакиллари деб тахмин қилиш мумкин.

Милоднинг дастлабки асрларида Кушон давлати гуллаб-яшнаган даврда Урта Осиёдаги, айниқса Бактрия-Тоҳаристондаги етакчи динлардан бири будда дини эди. Урта Осиё ҳудудида буддизмининг тарқалишига кўп омиллар сабаб бўлган, шулардан бири Ҳиндистон билан яқин маданий алоқалар эдики, Канишка подшоҳи ҳукмронлиги даврида илдам ривожланди. Кўпгина маданий воқеалар, жумладан, Пеншаворда будда жомеини ташкил этиш ҳам Канишканинг номи билан боғлиқ. Канишка ва унинг издошлари ҳукмронлик қилган даврда буддага тааллуқли кўпгина архитектура-маданий ёдгорликлар барпо бўлган. Бой анъанага кўра, одатда кўпгина ибодатхоналар Будда ва унинг шогирдлари ҳаёти ҳамда зоҳидлигига онд хилма-хил мазмунга эга бўлган ҳайкаллар билан безатилган. Ҳайкалтарошлар, кўпинча, ибодатхонага ҳар турли ашёлар олиб келувчи ёки янги ибодатхонага ҳар турли ашёлар олиб келувчи ёки янги ибодатхоналар ёхуд бошқа диний шовитлар қурилишига ҳомийлик қилувчиларни тасвирлашган.

Будда маданияти мавжудлигининг яққол гувоҳи Далварзиптепа (Сурхондарё вилояти) шаҳристони силлари ёдгорлигининг очилишидир. Буддага онд кишиларни (бодисат ва деватларининг—Будда сафдошлари ва шогирдларининг калдалари) тасвирлаш билан бир қаторда мансабдор, маҳаллий оқсуяклар вакиллари ҳам тасвирлаганларки, буларда ҳайкалтарош усталар уларнинг ҳиссаларини, у ёки бу қурилишларга ҳомийликларини муҳрлаганлар (10-расм). Агар бу тасвирларда ҳайкалтарошнинг кўзи, чеккалардаги кулчилари билан лабларни, соч ўрамларини ифодалашда муайян бир хилликни кузатсак, миранлар тасвирларида эса ҳайкалтарошнинг ўзига хос ёндириши сезилади.

Далварзиптепа ҳайкал комплексининг таҳлилига киришар эканмиз, шунинг таъкидлаш керакки, ҳайкалнинг кўпгина майда унсурлари, бармоқлар, хилма-хил безак-

ларин усталар бир қолипдан чиқариб тайёрлашган, бинобарин, бу билан ҳайкал тасвирларини яратиш осонлашган, шу нуқтан назардан тасвирдаги кўпгина унсурлар бир-бирига ўхшаб кетади. Далавзинтепада очилган ҳайкаллар гил асосида гишдан тайёрланган. Булар ичида тепаси чўққисимон бош кийимидати шаҳзода деб аталмиш бош айниқса диққатга сазовордир. Услуб жиҳатидан дунёвий ифодага эълолигига қарамай, уста образни бирмунча бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилган. Айниқса у девата (маловк) бош билан қиёсланганда



10-расм. Далавзинтепадан топилган мансубдор (милонинг I асри).

бундай тасаввур кучаяди: ҳар иккисинда ҳам лаблар, табассум, юзнинг умумий тарзи ўхшаш ҳолда акс эттирилган. Шаҳзода юзи туҳумсимон шаклда, тўғри мутаносиб, кўз юзaroқда жойлашган, балки кўз усти юзани моделлаш йўли билан ифодаланган, кўзлари катта-катта бўлиб, қуйи қовоқ ости бўрттириб кўрсатилаган. Бурун тўғри, носик лаблар, мўъжазгина ияк—буларнинг бари юзнинг европеонд туркумига мансублигини кўрсатади. Мазкур тасвирда бош кийимининг туркуми ҳам диққатга сазовор. Унинг чўққи қисми тепасида золдиран яллоқ сомасимон безаклар бор. Эҳтимол, ана

шу митти қўнғироқчалар киши юганида товуш чиқарган бўлиши керак. Юқорида айтганимиздек, чўққисимон бош кийимлари сак-скиф оламининг кўпгина қабилаларининг кийим-кечақлари учун хосдир. Унинг энг яқини ўхшаш сифатида Холчаёвдаги айлана сопол тасвирли тахтада ўтирган одам бошидаги кийимни айтиб ўтиш мумкин. Бундай бош кийимлар Шимоли Фарбий ва Марказий Ҳиндистонгача кириб борганки, бутун Аатхура ҳайкалларида кўриш мумкин.

Шу муносабат билан Урта Осиё ва қўшни Ҳиндистоннинг ўзарo доимий маданий ва этник алоқаларига эътиборни қаратиш жоиздир. Урта Осиё бир неча миш йиллар мобайнида турли антропологик туркумлар ва улар билан боғлиқ бўлган лингвистик ва этномаданий вилоятларнинг алоқа маскани бўлиб келган. Шу бонедан ундаги на ирқининг ва на халқларнинг келиб чиқишини унга қўшни бўлган мамлакатлар, биринчи навбатда,



11-расм. Далавзинтепадан топилган учи чўққи бош кийимли шаҳзода боши (милонинг I асри).

Ҳиндистонга доир материаллардан фойдаланмай туриб тўла-тўқис ўргана олмаймиз. Милондан олдинги 1-миш йиллик охири ва милонинг биринчи асрларидаёқ парфияликлар ва Урта Осиёдан чиққан бир қатор сак қабилалари Шимолий ва Фарбий Ҳиндистон худудида ўтроқлашиб қолмишган. Милонинг 1-миш йиллиги ўрталаридан Шимолий Ҳиндистонга эфталитлар, Урта Осиёнинг туркий ва эроний тилли аҳолиси кириб келган. Турли даврларда Ҳиндистон аҳолиси ўзининг шимолий-фарбий қўшниси—Урта Осиёга жиддий таъсир кўрсатган. Шундай қилиб, генетик, тарихий, хўжалик ва маданий алоқалар гоят узвий, ҳатто айтиш мумкинки, энг муҳим аҳамият касб этган. Фақат Ҳиндистон ярим ороли ва Урта Осиё аҳолиларининг тари-

хий алоқаларини ҳисобга олган ҳолдагина қўйилган муаммони муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Далварзиптепадаги ҳайкал тасвирларини кузатишда давом этамиз. Маҳаллий аслодалар нақилларкин ифода этувчи дунёвий тарздаги ҳайкаллардан бири тиззасига тушадиган узун қўйлакли тик турган эркак киши ҳайкаlidir. Унинг белига қайиш боғланган, чан қўли тирсақдан бухилган бўлиб, бирон нима тортиқ қилаётган ҳолатда тасвирланган. Тор, оёқларига тиралиб турган лозим қия бурмалар тарзида аке этирилган. Юзи терапиясимон, боши думалоқ бўлиб, орқа томонга бир оз ялпайган. Калта сочлар чуқур тўлқинсимон излар



12-расм. Далварзиптепадан топилган худо ҳайкали боши (милodd-нинг I асри).

тарзида берилган, пешона устида соч қопламидининг зич қегараси кўрсатилган, пешонаси кенг эмас. Қўзлар кенг жойлашган, торроқ кўз ўйиқларининг ташқи бурчаклари бирмунча юқорига қайрилган. Кенг ёйсимон қошлар қора рангга бўялган. Бури калта шакада, мўйлабларининг учи тепага қайрилган, бирмунча бўртма няк қисқа бўйи билан туташиб кетган.

Ҳайкал боши диққатга сазовор туркумга мансуб бўлиб, топилма муаллифлари уни бактрия маъбудаси (12-расм) тасвири деб изоҳлашган. Ҳайкал гилдан ясаллиб, кейин бўялган. Юзида тери рангини аке этирувчи

қизғимтер ранг излари сақланиб қолган, сочлари қора рангга бўялган, сочлар тўлқинсимон кўринишдаги зич чуқур жўяклар тарзида ифодаланган, соч тепа қисмидан тутамлаб боғлаб қўйилган. Юзи дўппи бўлиб, тухумсимон шаклдадир. Пешонаси тор, қош усти ёйлари араиғ кўринади, қошлар чамаси бўялган кўринади, торгина кўз ўйиғи қаншарга яқин жойлашган. Бурун қаншар яқинида илгичка бўлиб бўртиб чиққан, пастга томон ёйилиб кетган. Оғзи кичик, лаблари қалин. Ияги кичик бўлиб, юзининг ишишиқираган юза қисмида яққол чиқиб турибди. Таҳлил этилаётган бошининг антропологик жиҳатдан европеонд туркумга мансублиги равшан бўлса да, монголонд жиҳатлардан ҳам холи эмас. Юзининг кенглиги, кўз шаклининг торлиги шундан далолат беради. Ана шу калта ўзининг ташқи қиёфасига кўра, Далварзиптепаннинг бошқа ҳайкал тасвирларидан кескин фарқланади ва аҳтимол, қадимги шаҳарнинг этник таркибида европеонд иркнининг бошқа тур вақиллари мансублигидан далолат беради.

Бу фикрнинг тўғри нотўғрилигини текшириб кўриш учун тасвирий санъатнинг бошқа тури — терракотага мурожаат қиламиз.




13-расм. Далварзиптепадан топилган маъбуданиннг сопол ҳайкали (милodd-нинг I асри).

Терракота (қуйдирилган сопол ҳайкалчалар) диний тарздаги кўпгина маълумотларни ўзида мужассам этган кўп сонли бадий ҳунармандчилик турларидан биридир. Шунинг ҳам айтиш керакки, санъатнинг бу тури халқ ижодига ниҳоятда яқин ва кўпинча халққа яқин образларни ифода этади. Далварзиптепадаги қазинишларда жуда кўплаб сопол ҳайкалчалар топилган эди. Кўпинча

уларнинг оддай фуқаролар турар жойларидан топилганлиги диққатга сазовор.

Далварзиптепа шаҳар аҳолиси ўртасида энг оммавий манзаралардан бири — тахтада қўлида мўл-кўлчилик рамзи сифатида гул, мева ва ҳоказоларни ушлаб ўтирган маъбуда ҳайкалчаларидир. Бундай сопол ҳайкалчалар икки турга бўлинади, бунда асосий белги антропо-



14—15-расмлар. Далварзиптепадан топилган маъбудаларнинг сопол ҳайкалчалари. Монголда хусусиятли европеонд (милоднинг I асри).

логик туркум ҳамда кийим-кечак шаклидир. Айрим сопол ҳайкалчаларининг европеонд қиёфаси аниқ (13-расм), юзи аниқ ифодаланган, кўзлари катта-катта, қовоғи яққол кўзга ташланиб туради, бури тўғри, қаншарга яқин қисми торайган, ундан ёйсимон қошлар тар-

моқланган. Бундай тасвирлар учун узун, товоғача тушадиган, бўйин қисмида думалоқ ўйиқ либос ҳосилдир. Бошқа ҳайкалчалар ҳам эҳтимол худоларга тааллуқлидир, зеро уларнинг вазияти ўзгармаган, ташқи қиёфаси ва либоси олдинги туркум ҳайкалчаларникидан кескин фарқ қилади. (14—15-расмлар). Кенг, ялпоқ юз, унча кенг бўлмаган пешонага калта сочлар тушиб турибди, қошлари узун, қаншарга эгилиб тушади, кўз ўйиғи торгина, чеккалар томон қия чўзилган ва, ниҳоят чеккаларига кенг ука тутилган чакмон тарафидаги қалин кийим — буларнинг бари аҳолининг бошқа этник туркумга мансублигидан далолат беради. Шундай қилиб, Далварзиптепадан сопол ҳайкалчаларда шаҳар аҳолиси таркибида мавжуд бўлган икки антропологик туркум яққолроқ акс этган. Бироқ қадимги мухташам ёдгорликлар Далварзиптепага ажойиб антропологик ашёлар ҳам бердики, улар тасвирий санъат асарлари билан биргаликда милоднинг ilk асрларида шаҳарлик кишилар қиёфасини қайта тиклашнинг ажойиб имкониятини яратади.

КЎЧМАНЧИЛАР ҚАНДАЙ КЕЛГАН?

Маълумки, милоддан аввалги сўнгги асрларда шимолдан келган кўчманчи қабилалар таъини остида Юнон-Бактрия империяси емирлади, унинг ўрнида Кушон империяси вужудга келади. Хўш, кўчманчилар қардан ва қандай келган? Бу савол айни ҳолда шунчаки берилмаётгани тушунарли. Биз сўнгги йилларда олинган янги антропологик ашёларга таъинан ҳолда бу масалани таҳлил қилмоқчимиз.

Шубҳасиз, кўчманчи қабилалар Ўрта Осиёнинг шимолий дашт вилоятларидан йўлга чиқишган, зеро Ўрта Осиёнинг жанубида Шимоллий Бактрияда, милоддан аввалги сўнгги асрларда маҳаллий аҳолига хос бўлмаган ирқий белгилар комплекси қайд этилган. Бунга қўшимча қилиб шунни айтиш керакки, Шимоллий Бактрия аҳолисининг маълум қисмида бошнинг пешона-энса қисми шаклини ўзгартириш эди-энди расм бўла бошлаган эди. Кўпинча одамлардаги шакл ўзгариши ташқи қиёфа жиҳатидан Ўрта Осиёнинг шимолий дашт минтақаси — Орол бўйи, Тошкент ва Еттисув вилоятлари аҳолисининг ташқи қиёфасини эслатади. Лекин бизни Ўрта Осиё шимоллининг айнан қаеридан кўчманчи қабилалар жанубга томон ҳаракат қилганлиги масаласи кўпроқ қизиқтиради. Бунда бизга пешона-энса шакл ўзгартириши

удумнинг тарқалган ерлари харитаси ёрдам бериши мумкин. Махсус асарларимизда исботлаганимиздек, бундай удум этник белги ҳисобланади, зеро унга Урта Осиё шимолий вилоятларининг ҳамма қабилалари ҳам амал қилавермаган. Дастлаб бу удум Жануби-шарқий Оролбўйидаги сак қабилаларининг бир қисмида амалда бўлган. Бундай удум сарҳадлари турли йўналишда кенгай борган. Бунақанги шакл ўзгаришли кўчманчи қабилаларнинг ҳаракат йўлларида бири қадимги Хоразм ва Узбой орқали Красноводск ярим оролига ўтган. Кейинчалик бу қабилалар жанубий йўналишда ҳаракатланиб, Шимолий Афғонистонга қадар етиб борган. Совет-Афғон экспедицияси томонидан тадқиқ этилган Афғонистондаги Тиллателяқўрғон дафиналари бу фикрни тасдиқлайди. Кейин кўчманчи қабилалар шарқий йўналишда ҳаракатланиб, Бабашон (Туркменистоннинг жануби-шарқий чеккасидаги Қушон ёдгорлиги) орқали Шимолий Бактрияга етиб борган.

Жануби-шарқий Оролбўйидан кўчманчиларнинг яна бир ҳаракат йўли Марказий Қизилқум орқали ўтган. Бухоро вилоятининг Томди ва Учқудуқ ноҳияларидаги Жузқудуқ, Бешбулоқ деган ерларидаги милоддан аввалги сўнгги асрларга онд қўрғон дафиналари буни тасдиқлайди. Кейин бу қабилалар Зарафшоннинг ўрта оқимигача, Қашқадарё водийсигача етиб боради, сўнгра уларнинг изи Шимолий Бактрияга кириб боришининг учинчи йўналиши ҳам бўлган: Тонкент воҳаси, Еттисув ва Олой қабилалари жануби-ғарбий йўналишда ҳаракатланган. Фақат Сугда улар Зарафшоннинг қуйи оқимлари бўйлаб келишди ва Шимолий Бактрияга етиб боришди. Булар Оролбўйидан келганлардан монголондлик салмоғининг камлиги билан фарқланиб туради, муҳими улар суғдий равишда пешана-эиса шакл ўзгартириш удумига амал қилинмаган. Кўчманчилар Урта Осиё шимолининг турли ерларидан келганлиги уларнинг хиёма-хил антропологик туркумларга мансублиги, шунингдек Шимолий Бактрия кўчманчи аҳолиси бир қисми бошида шакл ўзгариши кузатилмаганлиги билан исботланади.

Қулдорлик жамиятининг сўнгги босқичи (милоннинг III—VI асрлари) Урта Осиё халқларининг этник тарихида янги, муҳим ҳодисалар билан ажралаб туради. Тарих саҳнасида янги элатлар — хионитлар, эфталитлар, кидаритлар пайдо бўлди. Профессор С. П. Толстовнинг фикрича, хионитлар дастлаб Амударё ва Сирдарёнинг кўҳна қуйилиш ерларида, Хоразмдан шимоли-шарқда

маҳаллий сак-массагет қабилалари билан бу ерга шарқдан кириб келган гунилларнинг этник бирлашмаси сифатида истиқомат қилишган. Бироқ хионитларнинг пайдо бўлиш муаммоси ҳалигача ечилган эмас. Ҳозирги вақтда хионитларнинг гуниллар билан ўхшашлиги инкор этилади ва улар Урта Осиёдан келиб чиққан эроний тили қабилалар деб ҳисобланади.

Хионитлар қолдирган, деб тахмин қилинаётган бир қанча дафиналар тадқиқ этилди. Шунингдек Урта Осиё ҳудудида IV асрдан маълум бўлган эфталитлар хусусидаги масала ҳам анча мураккаб. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, эфталитлар даштликлар—кўчманчилар бўлиб, аста-секин ўтроқлаша бошлаган. Лекин бу борада бунқача фикрлар ҳам бор, унга кўра, эфталитлар Помир тоғляклари бўлиб, ҳозирги Афғонистон ҳудудидан келган. Бу фикр япон тадқиқотчиси Еноки ҳамда совет олими Гумилов томонидан маъқулланди. Академик Б. Гафуровнинг фикрича, мазкур этник гуруҳ муайян даражада туркий этник унсурлар аралашган, тили бўйича Шарқий Эрон, қандайдир Урта Осиё қабилалари асосида вужудга келган. Ёзма манбалар бўйича маълум бўлган кидаритларнинг тўпланиши масаласида ҳам олимларнинг фикри турлича. Дастлаб уларнинг яшаш маркази Афғонистоннинг шимолидаги Балх шаҳри бўлган. Ҳозирги тадқиқотчиларнинг аксарияти шу фикрни эътироф этишпти. Бироқ мазкур масала бўйича янми адабиётда бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Яъни: И. Маркварт уларнинг Қаслий депгизи яқинида жойлашганлигини ёзса, С. П. Толстов уларни Хоразмдаги Кердер деган жойга мансублигини кўрсатади, С. К. Кабанов эса Қашқадарё этакларидаги Нахшабни уларнинг жойлашган ери деб билади.

Эфталит ҳамда хионитларнинг антропологик туркумлари хусусида айрим фикрларимизни билдирмоқчимиз. Уларнинг ташқи қиёфаси хусусида жуда сийрак ёзма манбалар мавжуд. Сурьялак адиб Иешту Стилит шундай ёзади: «Хионитларни гунилларнинг ўзааридир, деб ҳисоблайдилар. Бироқ Аммиан Марцелин бир ерда хионитлар қабиласининг вакили жуда маъқул, чиройли деса, бошқа ерда гуниллар қиёфасини хунук, гоят бадбашара, деб кўрсатади. Шу маълумотга асосланиб, тарихчилар гуниллар ва хионитлар этник жиҳатдан фарқланган деб тахмин қилишди. Бундан ташқари, Аммиан Марцелин хионитларнинг дафи маросимлари ҳақида ҳам маълумот қолдирган: улар жасадни оловда куйдиришган. Хоразмнинг дарёнинг чап қисмида жойлаш-

ган Кангақалъа ва Кўҳна увайе шахристонлари қазинмаларида ҳам шундай одат қайд этилган эди. Ана шу ва бошқа тадқиқотлар асосида совет олимлари хионитларнинг ватани Оролбўйи, деган тахмин билдиришди. Мааскур одатнинг айрим унсурлари, хитой солномачиларининг маълумотига қараганда, Тошкент воҳасида ҳам кузатилган. Хионитлар эроний тилли қабилалар бўлиб, улар гунилардан фарқ қилган, деган фикр ҳам мавжуд. Айрим археологлар Бухоро вилоятидаги Қалқонсой гўристонининг 33-қўрғони, Қашқадарё вилоятидаги Қарши шаҳри қабристони, Хоразм воҳасидаги Кангақалъа ва Кўҳна Увайе хионитларга мансуб бўлиши кераклиги ҳақида ёзишган. Ушбу ёдгорликларнинг антропологик ашёлари милоднинг II асрдан VI асригача бўлган давр деб ҳисобланади. Мааскур гўристонлардан қазиб олинган одамларнинг калла суякларининг хусусияти нимада? Биринчидан, деярли барча калла суяги ҳалқасимон айлана шакл ўзгариши изларига эга. Иккинчидан, калла суяклар гоёт хушбичим бўлиб, европеоид шарқий Ўрта денгиз ирқига мансуб. Шундай қилиб, хионитлар жапубий вилоятларнинг маҳаллий ўтrock деҳқончилик аҳолисига ҳос европеоид туркумлилиги билан ажралиб туради.

Юқорида айтилганидек, V—VI асрларда Ўрта Осиё янги қабилавий кўчишлар маркази бўлиб қолган эди. Кидаритлар, эфталитлар, хионитларнинг кириб келиши моддий маданиятда нисбатан сует акс этган. Ана шу кўчишларнинг шохидларидан бири ҳукмдорлар тасвири туширилган таянча-чақа маълумотларидир. Монументал санъатнинг ажойиб намуналаридан иборат бир қатор археологик ёдгорликлар илк ўрта аср даврига оидлар. Чунинчи, 1979 йили ЎзССР ФА Археология институти Бактрия отряди Термидан 30 километр нарида жойлашган мўъжазгина Куёвқўрғон қалъасини очди. Ушбу ёдгорлик қазинмаларида қалъанинг манзаравий безакларини ташкил этувчи ҳайкаллар ва уларнинг кўплаб парчалари топилди. Ҳайкал гилдан тайёрланиб, кейин бўялган. Ўз хусусиятига кўра, Куёвқўрғон ҳайкалларидаги шахслар воқеий ифодаланган. Бироқ ижодкорлар қўллаган ҳайкалтарошлик услублари талайгина будда тасвирий анъанаси таъсирига учраган. Бу таъсир кўз, қовоқ, лаблар бичимида, кулгичларда, соч турмакларининг услубларида ўз ифодасини топган — ҳайкалнинг кўпгина қисмлари қолипданган. Биринчи навбатда шуни айтиш керакки, барча тасвирлар учун айрим қисмларни ифодалашда муайян бир хиллик ҳосил. Аксари ҳолларда

тоз қиёфаси тухумсимон шаклда, бурни тўғри, кўзлари катта-катта, қовоқлари осилган, лаблари қалин, ияги айтарли бўртмаган. Айрим ҳайкалларда бошнинг чекка қисми бир оз торайганлиги кўзга ташланади. Ҳайкал тасвирларининг европеоид қиёфаси бирон-бир шубҳа туғдирмайди.

Шундай қилиб, сўнгги антик даврда Ўрта Осиё ҳудудида яшаган эфталитлар, хионитлар ва кидаритлар европеоид қиёфада бўлиб, бу палеоантропологик, ёзма манбалар ва ҳайкал ашёларидаги кўпгина маълумотлар билан тасдиқланади.

БОШ ШАКЛИНИ СУНЪИЙ ЎЗГАРТИРИШ

Кушон Бактрияси ҳудудидаги ҳайкал тасвирларини, шунингдек қабрлардан олинган калла суякларини таҳлил этиш мобайнида қандайдир ғалати тарзда ўзгартирилган кишилар калла суякларининг кўплаб мисолларига дуч келамиз. Бош шаклини сунъий ўзгартириш Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолилари орасида кенг тарқалган одатлардан ҳисобланади. У қадимги олим-у сайёҳларнинг ҳам эътиборини жалб этган. Мутахассис Вичурнида Шарқий Туркистонда тахтача ёрдамида бош шаклини ўзгартириш ҳақида маълумотлар бор. Гиппократнинг маълумотига қараганда, Азовбўйи даниглариди ва Каспий ортида яшаган халқлар бош суяги шаклини сунъий равишда ўзгартиришган. Бу одатни араб географ ва сайёҳи ал-Мақдусий қадимги Хоразм аҳолиси ўртасида кузатиб, уни ажойиб тарзда баён этган: «Мен сўрадим: нега силларнинг бошларингиз бошқа одамларнинг бошларидан фарқланади? Улар дедилар: бизнинг қадимги аجدодларимиз уч хил парсага моҳирликлари билан бошқа мамлакатларнинг аҳолиларидан устун бўлганлар. Шулардан бири—улар туркларга ҳужум қилиб туришар ва уларни асир олишар, шунинг учун улар туркларга ўхшаш бўлиб, фарқлаш қийин эди. Баъзан улар мусулмонлар қўлига тушар ва уларни қул қилиб сотардилар. Шунда аёлларга: бола туғилса, бини катталашиб кетмасин учун, бошнинг ҳар икки томониغا қум солинган халташи зичлаб боғлаб қўйишни тайинлашарди, шундан кейингина улар қулликдан фориғ бўлишарди. Бошқа бир араб географни Ёқут бу маълумотларга қўшимча қилиб: «Хоразм аҳолисининг «боши катта, пешонаси кенг», деган эди. Турли тасма ва боғичлар, тахтачалар билан, махсус мосламали бешик ёки бошқа усуллар ёрдамида ҳосил қилинадиган

бошларнинг галати шакллари мавжудлигини жуда қадим замонларда яшаган одамларнинг кўплаб суяк қолдиқлари исботлайди. Шунингдек ёзма манбалардаги, ҳайкал тасвирларидаги хусусиятлар кишиларнинг кўплаб қадимий суяк қолдиқларида ўз ифодасини топган.

Хўш, шакли сунъий ўзгартирилган бош оқсуяклик белгисини ёки қандайдир умум қабул қилинган гўзаллик қондаларига мувофиқми, эҳтимол унинг бошқа сабаблари бордир? Биз ҳозирги вақтда бош шаклини сунъий ўзгартиришнинг бир неча туркумларини ажратишга муваффақ бўлдик. Уларни тадқиқ этар эканмиз, бу ким томонидан, қачон ва қандай мақсадларда амалга оширилган, деган саволларга жавоб беришни ният қилганмиз.

Қалла суягини айлана шаклга киритиш. Қадимда яшаган аҳолилар бошини айлана шаклга киритишни илмий тадқиқ этиш бир асрлик тарихга эга. Бу масалага талайгина илмий тадқиқот бағишланганки, улар бой маълумот беради. Бу одат мамлакатимиз ҳудудида бундан 3,5—4 минг йил муқаддам Қуйи Волга бўйи ва Донда яшаган кишиларда илк бор аниқланган. Мазкур одат баногоҳ буткул йўқоладию, лекин минг йиллик таваффуслия кейин қайтадан Урта Осиёда пайдо бўлади. Ана шу одат Урта Осиёга гуинлар томонидан Марказий Осиёдан ўтганлиги ҳақидаги фикрни сўнгги йилларда қўлга киритилган кўплаб антропологик янмалар асосидаги маълумотлар рад этади. Сибирь ва Марказий Осиёдан топилган шакли ўзгарган барча қалла суяклари асосан милоннинг III—IV асрларига оиддир ва ундан олдинги даврларга таваддуқли бирон ҳам қайд этилмаган. Урта Осиё ҳудудида бу одат Сибирь ва Марказий Осиёдагидан 500—700 йил олдин пайдо бўлган. Шунинг учун Урта Осиё мазкур одатнинг ватани деб баралла айтаверамиз. Сўнгги антик ва илк ўрта аср даврларида Урта Осиёнинг баъзи ерларида жами аҳолининг 70 фоизгача бўлган қисмини бошнинг шакли айлана тарзида ўзгартирилган одамлар ташкил этган. Юқорида айтганимиздек, бу одат йўқола бошлайди ва IX асрдан кейин бундай одатга амал қилган кишилар бармоқ билан санарли даражада учрайди. У ҳам бўлса Урта Осиё энг чекка шарқий сарҳадидаги—Чув водийсидаги Марказий Мовароуннаҳрдан келган аҳолилар ўртасида кузатишган. Ҳар ҳолда бу одат Урта Осиё ҳудудида исенс йўқолиб кетмаган. Бизнинг кунимизгача бундай одат Туркманistonнинг айрим этно-ҳудудий гуруҳларида оғли ва оғисиз равишда сақланиб келмоқда.

Урта Осиё ҳудудида бошни айлана шаклига киритиш одати милондан олдинги I-минг йилликнинг ўрталаридан маълум бўлиб, дастлабки, яккам-дуккам миносолари Жанубий Туркманistonда, Фарғона водийсида Жануби-шарқий Оролбўйида ва Қозогистонда қайд этилган. Антик даврда Урта Осиё ҳудудида шакли ўзгартирилган қалла суяклари сонин кескин ортган. Кушон Бактриясида эса бу одат милон сарҳадида қайд этилган ва у асосан қишлоқ ҳамда шаҳар аҳолисида расм бўлмаган. Мазкур одат тахминан IX асрларда одамларни осурийларда ва хумларда кўмин русуми билан бир вақтда буткул йўқолиб кетди.

Пешона-энса шаклини ўзгартириш. Урта аср Урта Осиёсида айрим гуруҳларда бош суяги шаклини сунъий ўзгартириш одати Абу Райҳон Берунийнинг ҳам эътиборини жалб қилган. У шундай ёзади: «...Тўғри, кишиларнинг шундай жамоалари борки, улар Оллоҳ яратган бир кўринишни бошқа бир кўринишга ўзгартиришади. Хоразм аҳолилари шундайлар туркумига киряди, улар чақалоқлар-бошнини бешинда олд ва орқа томондан қисиб ялинқилантиришади. Дунёда, эҳтимолки, бунга ўхшаш бошқа одатлар ҳам бордир. Фарғона аҳолиси ҳам шундай. Улар бошнинг олд қисмини пешона устида туртиб чиқмасин учун соч фарқидан қисини тартиш».

Бош суяги шаклини бундай ўзгартиришнинг дастлабки миносолари чамасан Шарқий Туркманistonдаги чорвадор аҳолига яқин бўлган Жануби-шарқий Оролбўйи сак қабилаларида учраган. Кейинроқ милондан олдинги II асрдан милоннинг I асрига қадар бу одат Шарқий Каспий бўйининг чорвадор қабилалари ўртасида кенг расм бўлган. Шимолий Бактрияда бош шаклини ўзгартириш одати аввал чорвадор аҳоли ўртасида, бир оз кейинроқ шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида кенг тарқалган.

Урта Осиёнинг қадимги халқларида бош суяги шаклини сунъий ўзгартиришнинг кенг тарқалишини антрополог мутахассислар орасида кўплаб саволлар туғилишига олиб келадикки, ана шу саволлар жавобга мунтазир: бош шаклини ўзгартирувчи ҳар турли мосламалар фақат янги туғилган чақалоқлардагина ишлатилганми ёки одамнинг бутун умри давомида қўланганми? Бош шаклининг кескин ўзгартириб юборилиши қандайдир руҳий касалликларга олиб келмаганми? Ниҳоят, бош

* Қаранг: Абу Райҳон Беруний. Избранные произведения. Т. VII. Ташкент, 1987, с. 158.

шаклининг сунъий ўзгартирилиши кишининг ташқи қиёфасини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборганимикан?

Асримизнинг 60-йиллари бошларида ушбу сатрлар муаллифларидан бири Ленинграддаги С. М. Киров номида Ҳарбий-медицина академиясининг медал мутахассисларига Ўрта Осиё худудидан топилган шакли ўзгартирилган кўплаб калла суякларини юборди. Ҳарбий медалларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, калла суяги шаклининг сунъий ўзгартирилиши киши жисмида бирор-бир физиологик фаолиятнинг бузилишига олиб келмайди. Айни вақтда уларнинг таъкидлашича, бош суяги асосида «турк эгари» деб аталган понасимон суяк мавжуд, унда моддалар ва гармонлар алмашинувиши, бир қанча ички секреция безлари ҳамда асаб системаси фаолиятини ва ҳоказоларни бошқариб турувчи гипофиз жойлашган. Маълум бўлишича, бош суяги шакли ўзгартирилганида турк эгарининг нишаблик бурчаги бирмунча ўзгарадики, бу баъзан енгил тутқаноқ касаллигига олиб келиши мумкин. Энди бош суяги шаклининг сунъий ўзгартирилиши кишининг ташқи қиёфасини қандай ўзгартириши масаласига тўхталиб ўтайлик. Ўрта Осиё худудидан топилган кўплаб ишлар асосида ана шу масала билан махсус шугулланишимизга тўғри келган эди. Шу нарса маълум бўлдики, бошнинг кўпгина энглама ва бўйлама ўлчамлари (узунлиги, кенлиги ва бўйи) кескин ўзгаришларга учрайди: бош калталашади ва тораяди. Юз ўлчамларига келсак, бунда қатъий равишда икки ўлчам ҳақида фикр юритиш мумкин, яъни юз ва кўз чаноғи бўйича чўзилади. Шундай қилиб, бошнинг шакли сунъий ўзгартирилган ва ўзгартирилмаган одамлар ўртасида бирон жиддий тафовут учратмаймиз. Ва, ниҳоят, сунъий равишда ўзгартирилган бош шаклини сақлаб қолиш учун умр бўйи тасма ёки боғичда юриш ёхуд муайян вақт оралаб бу жарасини такрорлаш талаб этилмайди. Дарвоқе, янги туғилган чақалоқ бошига ярим йил ёки бир йил давомида сунъий таъсир кўрсатишнинг ўзи kifоя, шу таразда ҳосил бўлган бош шакли умр бўйи ўзгаришсиз сақланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, пешона-энса шакли ўзгартирилиши этник хусусият касб этиши мумкин, айлана тарзда ўзгартириш соҳасида эса манхумликлар сероб ва бундай ноёб ҳодисани шарҳлаш учун янги-янги тадқиқотлар олиб бориш зарур.

ХУЛОСА

Кушон Бактрияси худудидан этногенетик жараёнлар сир-асорини тўлароқ ошкор этиш учун ҳайкаллар, тасвирий санъат асарларини тадқиқ этиш натижаларини палеоантропология фани ютуқлари билан таққослаш фоят самарали йўналишлардан бири ҳисобланиб, у мазкур фаиллар қорраҳасида қадимги одамни калла суяги бўйича ҳайкални ва график тасвирини тиклаш имкони беради. Ҳайкал асарларини синчиклаб таҳлил этиш натижасида шу нарса аниқландики, Будда тасвири, тарчи илоҳийлаштирилган бўлса-да, унда айтарли аниқ бўлмаса ҳам мазкур тасвир тайёрланган ердаги туб маҳаллий аҳоли учун хос бўлган хусусиятларни англаб олиш мумкин. Унинг атрофидаги кишилар, роҳиблар ва ҳоказоларнинг қиёфаси бутунлай ўзгача. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон халқлари тарихи музейида нямойиш этилаётган, Фаёзтепадан топилган, ҳар икки томонида роҳиблар, ўртада Будда тасвирланган топилма юқорида айтган фикримизнинг исботи бўла олади. Ҳўш, ҳар иккала роҳибнинг тасвири нимаси билан эътиборни жалб этади? Унинг қайси хусусиятлари мутахассис ва томошабинлар диққатини тортади? Аввало, бу тасвирларнинг ҳайратланарли жиҳати улар бошнинг нотабиий равишда чўзиқлиги, яссилиги ва пешонаси орқата тортилганлигидир. Пешона ҳамда энса қисмларида боғланганлик изларини салпал пайқаш мумкин.

Мана кўз олдимизда Ўрта Осиё худудидан бадний маданиятда муҳрланган бошнинг шакли сунъий ўзгартирилганига илк далил намоён. Бундай шакл ўзгариши махсус антропология адабиётда айлана шакли ўзгартириш сифатида маълум. Уни баъзан янги туғилган чақалоқ бошига махсус тасма боғлаш йўли билан ҳосил қилинадиган «макроцефалия» деб юритилади. Айни ҳолда ҳайкалтарош ўз атрофида нимани кўрган бўлса

шунин, яъни замондошларининг этник ва ирқий қиёфасини ифодалашга интиланган. Буида иккинчи хулосага келиш мумкин: биринчиси—маҳаллий аҳоли Буддизмин қабул этган ва унга эътиқод қилган, иккинчиси—Будда атрофида тасвирланганлар Кушон Бактрияси туб аҳолисининг вакиллари бўлган, зеро, уларнинг ташқи қиёфаси ва уларда ҳукм сурган бошининг шаклини сунъий ўзгартириш кўплаб антропологик ашёлар ҳамда ёма маъба маълумотлари билан тасдиқланади. Тажрибасиз томошабин музейга киргач, бошининг нотабиний шаклига дарҳол эътибор бериши мумкин у, лекин юз тузилишидаги баъзи ҳусурларни пайқамаслиги ҳам эҳтимол. Мутахассис эса юзнинг морфологик ҳусусиятларини таҳлил этишга киришади. Хўш, у бу ўринда қандай таърифтабинийликни кўриши мумкин? Биринчидан, бодомқовоқ бўлиб, ташқи бурчаклари бир оз кўтарилган, иккинчидан, ёноқлари яққол кўзга ташланиб туради. Учинчидан, юз тузилиши ва унинг чўзиқ мутавосилликлари бош суяклари бўйича тикланган маҳаллий аҳоли ҳусусиятларини шундоққина эслатиб туради. Буни Далварзинтенадан топилган эркак кишининг бош суяги асосида ишланган ҳайкалга қараб ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Тангалардаги сурат тасвирлари қайси этник ва антропологик туркумга: юнонларгами ёки Урта Осиёнинг бошқа қисмларидан кўчиб келган бошқа аҳолиларгами тегишлилигини аниқлаш ҳам муҳим масалалар жумласига кирилади. Шунинг таъкидлаш керакки, тангалардаги шохларнинг тасвирлари юнон-македонияликларнинг антропологик ва этник туркумига ҳақиқатан мувофиқ келади. Кейинги давр—буёқ кушонлар даврининг ҳайкалтарошлик санъатига келсак, уларда юнон тасвирли санъат унсурлари сақланган бўлиб, ҳайкал образларида мутлақо ўзгача этник туркум намояндалари, буни Холчаёндан топилган ҳайкал яққол мисол бўлиб хизмат қилади. Унда соф юнон услублари—гулчамбар тутган, қизилчилар образи, дионсий доирасидаги одамлар билан бир қаторда Кушон даври ашёлари вакиллариининг сурат тасвирлари ҳам кўзга ташланади. Кушон даврида ҳайкалтарошлик ва танга зарб қилишда ўзгартирилган рўй берган. Юнон-Бактрия подшоҳлари ва уларнинг худоларининг воқеий тасвири ўрнига юз тузилиши ва бош, кийим-кечак шаклларида кўзга ташланган мутлақо ўзгача антропологик ва этник туркумлар, эрон маъбудиди худолари келади.

Қиссадан ҳисса шуки, иконографик, палеоантропологик ашёни тадқиқ этишга биз кўрсатиб ўтган комплекс ёндошнинг, кейин ёзма маъбадан кенг фойдаланган ҳолда уларни ҳайкалларда ва суратларда қайта тиклаш жуда самарали бўлган. Ушбу рисолада биз Ўзбекистон жанубий ноҳияларининг антик даврдаги антропологик тарихини тадқиқ этиш натижаларини келтирдик, яъни даври чекланган кичикроқ вилоятининг ҳам қамрадик. Бу туя Урта Осиё кўламида турли тарихий давларга доир ана шундай тадқиқотлар олиб борилиши зарурлиги шубҳасиз.

МУНДARIЖА

Муқаддима	3
Аждодларимиз қиёфаси ва тасаввири снъат намуналари	6
Қадла суғги бўйида таъқи қиёфани тиклаш тарихидан	9
Шимолдй бактрияликлар қиёфаси қандай бўлган?	13
Бронза, лок темир ва битик давр аҳолиси	17
Кушон Бактрияси аҳолиси	24
Кўчманчилар қандай келган?	41
Бош шаклини суғийи ўзгартириш	45
Хулоса	49

Т. Ходжайов, К. Абдуллаев

ВНЕШНИЙ ОБЛИК ДРЕВНИХ ЛЮДЕЙ УЗБЕКИСТАНА (СКУЛЬПТУРА И ПЛАСТИЧЕСКАЯ РЕКОНСТРУКЦИЯ)

На узбекском языке
Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон ССЖ ФА илмий-омлабор адабиётлар таҳрир
ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *Х. Зарипова*
Мусаввир *А. Вахромова*
Техмуҳаррир *Н. Абдураҳмонова*
Корректор *С. Закирова*

Тиражга берилди 65.06.50. Босишга руҳнат этилди 28.11.50. Формати 84x108^{1/2}.
Босмаҳона қозоқи № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма, Шердан босма
ч. 2,73. Ҳисоб-нашрийт т. 2,5. 2000 нуска, Буюртма 284. Баҳси 30 т.
УзССР «Фан» нашрийти 203047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 20.
УзССР «Фан» нашрийтининг босмаханаси: 730170. Тошкент, М. Горький шох
кўчаси, 79.